МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 1 декабрь 1973 йил, шанба ◆ № 283 (15.757). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ДЕҲЛИ, 29 ноябрда «Раштрапати бхаван» президент саройида Совет — Ҳиндистон қўшма ҳужжатлари тантанали вазиятда имзоланди. Совет — Ҳиндистон қўшма декларациясини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Индира Ганди имзоладилар. Суратда: ҳужжатларни имзолаш пайти.

ТАСС махсус мухбирлари: В. Мусаэльян ва В. Соболевларнинг телефотоси.

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ҳиндистон Бош министри И. Ганди ва Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 1973 йил 26 ноябрдан 30 ноябргача расмий дўстлик визити билан Ҳиндистонда бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков ва бошқа расмий кишилар Ҳиндистонда Л. И. Брежнев билан бирга бўлдилар.

I.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва унинг ҳамроҳлари ҳамма жойда иззат-икром билан кутиб олинди. Бу эса, Ҳиндистон халқининг совет халқига ва Совет Иттифоқи раҳбарларига самимий дўстлик ва ҳурмат туйғуларидан далолат берди. Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга визити мустаҳкамланиб бораётган Совет — Ҳиндистон дўстлигининг ёрқин намойиши бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Ҳиндистон Президенти В. В. Гири ҳузурида бўлиб, у билан дўстона суҳбатлашди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди ҳузурида бўлди. Л. И. Брежнев И. Гандининг Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ишига ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига шахсан катта ҳисса қўшганлигини юксак баҳолади. У И. Гандига Совет раҳбарларидан ва бутун совет халқидан салом топширди, совет халқи Бош министрни ҳурмат қилаётганлигини айтди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ўзи ва ҳамроҳлари Ҳиндистонда дўстона ва самимий кутиб олинганликлари учун астойдил миннатдорчилик изҳор этди.

Ҳиндистонда бўлган вақтида Л. И. Брежнев Ҳиндистоннинг атоқли фарзандлари — Махатма Ганди, Жавоҳарлаъл Неру ва Лаъл Баҳодир Шастри хотирасини ҳурмат билан эсга олиб, Ражгхат Шантиван ва Вижайгхатга гулчамбарлар қўйди.

Л. И. Брежнев Лаъл қалъадаги оммавий дўстлик митингида нутқ сўзлади, шу митингнинг юз мингларча иштирокчилари уни зўр завқ-шавқ ва самимият билан табрикладилар. Л. И. Брежнев Ҳиндистон парламенти аъзолари ҳузурида нутқ сўзлади. Парламент аъзолари унинг нутқини зўр эътибор ва мароқ билан тингладилар. У Ҳиндистон — Совет маданият жамиятининг раҳбарлари ва активлари билан ҳам учрашди. Бу учрашув самимият ва сидқидиллик вазиятида ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Деҳлида бўлган чоғида Ҳиндистон Бош министри И. Ганди билан бир қанча учрашувлар ва суҳбатлар ўтказди.

Музокараларда:

Совет томонидан: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров ва СССРнинг Ҳиндистондаги муваққат ишлар вакили В. К. Болдирев.

Ҳиндистон томонидан: ташқи ишлар министри Сваран Сингх, молия министри Я. Б. Чаван, планлаштириш министри Д. П. Дхар, ташқи ишлар министрлигидаги давлат министри Сурендра Пал Сингх, ташқи ишлар секретари Кевал Сингх, Бош министрнинг секретари П. Н. Дхар, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. Шелванкар, ташқи ишлар министрлигининг секретари Б. К. Санъял, ташқи ишлар министрлиги Шарқий Европа мамлакатлари бўлимининг мудири А. П. Венкатасваран иштирок этдилар.

II.

Ишонч, дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар давомида Совет — Ҳиндистон муносабатларининг кўпгина масалалари ва бу муносабатларни янада ҳар томонлама ривожлантириш истиқболлари юзасидан, шунингдек, иккала томонни қизиқтирувчи актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди. Иккала томон муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикрларнинг кўп жиҳатдан бир-бирига мос эканлигини мамнуният билан қайд қилдилар ҳамда Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик ҳамма соҳаларда муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан ғоят мамнун эканликларини изҳор этдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев СССР халқ хўжалигининг ривожи тўғрисида, совет халқининг ҳаёти ҳақида, Совет Иттифоқининг КПСС XXIV съезди таклиф этган Тинчлик программасига мувофиқ амалга оширилаётган ташқи сиёсат фаолияти тўғрисида Ҳиндистон Бош министри И. Гандига ахборот берди.

(Давоми 3- бетда).

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИДА

ДЕҲЛИ, 29 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Ҳиндистон Республикаси парламентининг биносида қуйи ва юқори палаталарнинг — Халқ палатаси билан Штатлар кенгашининг қўшма мажлиси бўлди.

Парламент аъзолари ва жуда кўп меҳмонлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежневни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Парламент аъзолари томонидан қизғин кутиб олинган Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди ҳам мажлисда қатнашди.

Ҳиндистон Республикасининг вице-президенти доктор Г. С. Патхак мажлисни очиб, Л. И. Брежневга табрик нутқи билан мурожаат қилди.

Доктор Г. С. ПАТХАК нутқи

Сиз жаноб Бош секретарни бу ерда Ҳиндистон парламентининг аъзолари ва Ҳиндистон халқи номидан табриклаш менинг учун катта шараф. Биз Сизни Ҳиндистоннинг самимий дўсти деб ҳамда Ҳиндистон билан шу қадар мустаҳкам дўстона алоқалар қилиб турган, шу алоқалар билан бизни хурсанд қилиб, фахрлантираётган мамлакатнинг ҳурматли раҳбари деб қизғин ва сидқидилдан табрикламоқдамиз. Сизнинг мамлакатимизга келганлигингиз икки мамлакатимиздаги саккиз юз миллион аҳолини бирлаштирувчи муносабатларни янада чуқурлаштиришга ва ҳамжиҳат қилишга тарихий ҳисса бўлиб қўшилади. (Қарсаклар).

Жаноб Бош секретарь! Сиз Улуғ Октябрь Революциясининг ғоялари таъсири остида камолотга етган буюк зотсиз. 1927 йилдаёқ бу революцияни бизнинг ҳурматли раҳбаримиз Жавоҳарлаъл Неру жаҳон тарихининг энг улуғ воқеаларидан бири деб, француз революциясидан сўнг рўй берган энг буюк революция деб, ўзининг аҳамияти, драматизми ва инсон қадрини ақл бовар қилмаслик даражада юксалтирган революция деб тавсифлаган эди. Шу билан бир вақтда Жавоҳарлаъл Неру қуйидаги машҳур сўзларни ҳам айтган эди. 1917 йилги революция рўёбга чиқарган ҳаракатчан кучлар тугагани йўқ. Шу кучлар тарихни вужудга келтирди, вужудга келтирмоқда ва бу кучларни ҳеч ким назар-эътибордан соқит қилолмайди деган эди Жавоҳарлаъл Неру. (Қарсаклар).

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун Москвага қилган визитим ҳали яхши эсимда. Бу байрам сира унутилмайдиган байрам бўлган эди. У совет халқининг бирлигини ва яхши, тағин ҳам сермазмун ҳаёт қуришга маҳкам бел боғлаганлигини намойиш қилган эди. Менга бу байрам мамлакатингиз фашизмни тор-мор келтирмоқ учун иккинчи жаҳон уруши вақтида катта қурбонлар берганлигини ҳам эслатган эди. Мамлакатингиз бошига тушган қийин, ғоят танг пайтларда Сиз бутун уруш давомида солдат сифатида бажарган ишларингизга қойилмиз. (Қарсаклар).

Ҳозирги кунда Совет Иттифоқи халқаро ишларда қудратли куч бўлиб турибди. Шу сабабли Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати каби Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати ҳам халқаро тинчликни мустаҳкамлашга, давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришга, халқларнинг империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши, ўз мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиши айниқса муҳим. (Қарсаклар).

Ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўп соҳаларни ўз ичига олади. Ҳиндистон бошига тушган тангликларнинг деярли ҳаммасида Совет Иттифоқи бериб турган мададни бизнинг мамлакатимиз чуқур англаб, бунинг учун миннатдордир. Совет Иттифоқи халқи ва ҳукуматининг 1971 йилда қилган хайриҳоҳлиги ва берган мадади асло эсимиздан чиқмайди. Ҳиндистоннинг индустрлаштириш ва ўз-ўзини таъминлаш ишида тараққиётга эришиш йўлида қилаётган ҳаракатларига Совет Иттифоқи экономика соҳасида катта ҳисса қўшди. Бугун биз мана шу ҳамкорликнинг кўпгина конкрет намуналарини — металлургия, машинасозлик, энергетика сингари саноатнинг турли тармоқларида қурилган корхоналарни, нефть конларини текшириб аниқлаш ва нефтни қайта ишлаш борасида қилинган ишларни кўриб турибмиз.

Иккала мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар доим тенглик, суверенлик ва ўзаро манфаатдорлик негизига қурилиб келди. Ҳиндистон—Совет дўстлиги конюнктура мулоҳазаларини кўзлаб қилинаётган қандайдир ўткинчи дўстлик эмас. Халқларимиз ва давлатларимиз ҳатто энг қийин пайтларда ҳам бирга бўлдилар, чунки бизнинг дўстлигимиз узоқ муддатли манфаатлар асосига қурилмоқда. (Қарсаклар).

Бундан икки йилдан кўпроқ бурун Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома туздилар. Бу шартнома икки мамлакатимиз ўртасидаги яқинлик ва дўстлик муносабатларини ривожлантиришдаги бир неча ўн йилнинг мантиқий якуни ва чўққиси бўлди. Бу ҳужжатда иккала давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга асосий эътибор берилади, шу билан бир вақтда мамлакатларимиз ўзларининг ташқи сиёсатида ҳамиша амал қилиб келган принциплар — миллий мустақилликни, суверенитетни, территориал бутунликни ва бир-бирининг ички ишларига аралашмасликни ҳурматлаш принциплари таъкидланади.

Ҳиндистон мустақилликка эришганидан бери қўшилмасликка ва тинч-тотув яшаш принципларига асосланган ташқи сиёсатни ўтказиб келмоқда. Бу принципларни бундан кўп йиллар муқаддам Бош министр Жавоҳарлаъл Неру белгилаб берган эди. Биз бошқа мамлакатлар билан ўзимизнинг ўзаро муносабатларимизда шу принципларни татбиқ қилишда куч-ғайратимизни аямаймиз ва бунга қаттиқ бел боғлаганмиз. Халқаро ҳуқуқни ва стабилликни таъминлашга ҳамда жаҳонда кескинликни камайтиришга ҳисса қўшаоладиган сиёсат бўлган қўшилмаслик сиёсатига Совет Иттифоқи бераётган аҳамиятни жуда юксак даражада қадрлаймиз.

Мана шу марказий залда, жаноб Бош секретарь, биз кўпгина давлат арбобларини табриклаш шарафига муяссар бўлганмиз. Лекин бугун биз халқаро миқёсда узоқни кўриб иш олиб борадиган буюк раҳбарни табриклаб турибмиз; планетамизда дўстлик ва тинчликни ривожлантириш йўлида ҳормай-толмай қилаётган ҳаракатларингизни ғоят қизиқиб ва қойил қолиб кузатиб турибмиз. Шу билан бирга биз Сизни Ҳиндистон халқининг улуғ ва самимий дўсти деб ҳам табрикламоқдамиз. Шунинг учун ҳам бугунги кун бизнинг хотирамизда узоқ вақтларгача сақланиб қолади. (Қарсаклар).

Парламентимиз аъзоларига нутқ билан мурожаат этишга Сизни зўр мамнуният билан таклиф қиламан. (Давомли қарсаклар).

Қизғин қарсаклар билан кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев парламент мажлисида нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам вице Президент жаноблари!

Муҳтарама Бош министр хоним!

Палаталарнинг муҳтарам раислари, жаноблар!

Муҳтарам парламент аъзолари!

Аввало мен ўзимга кўрсатилган шараф учун — мамлакатингизнинг қонун чиқарувчи олий органи — Ҳиндистон Республикаси парламентида нутқ сўзлаш имконияти берилганлиги учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ҳиндистоннинг сиёсий ҳаётида парламент нақадар муҳим роль ўйнаши менга яхши маълум.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизларга ўз дўстларимдан — СССР Олий Совети Президиумининг аъзоларидан, Совет парламентининг барча аъзоларидан самимий салом ва эзгу тилаклар топшираман. (Қарсаклар).

Ҳурматли дўстлар!

Биз сизларнинг мамлакатингизга республиканинг Бош министри муҳтарама Индира Ганди хонимнинг лутфан қилган таклифига биноан келдик. Бу таклифни биз мамнуният билан қабул қилганлигимизни алоҳида айтишим керак. (Қарсаклар).

Совет Иттифоқи Ҳиндистон билан дўстликни мустаҳкамлашга, у билан ўз муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. (Қарсаклар).

Бунда мамлакатларимиз ўртасидаги тинч, яхши қўшничилик муносабатларининг азалий тарихий анъаналари анчагина роль ўйнайди. Бу муносабатларга доғ туширувчи урушлар ва можаролар ҳеч қачон бўлган эмас. Совет — Ҳиндистон муносабатларининг бутун тарихи давомида халқларимизда ўзаро ҳурмат ва хайриҳоҳлик туйғулари ўсиб, мустаҳкамланиб келди.

Совет кишилари ҳамиша ҳинд халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган курашига мададкор бўлдилар. (Гулдурос қарсаклар). Уни астойдил қўллаб-қувватладилар, унинг муваффақиятларидан қувондилар. Асримиз бошларидаёқ Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин мустамлакачиларнинг Ҳиндистондаги ўзбошимчалигини ғазаб билан фош қилди. У ҳинд халқининг кучларига астойдил ишонди ва мустамлака ҳукмронлиги муқаррар барбод бўлишини башорат қилди. (Қарсаклар).

Ҳинд халқи, унинг атоқли раҳбарлари ҳам бизнинг революциямизга, Советлар мамлакатида янги жамият қурилишига ғоят қизиқиб қараганликларини биз биламиз. Жавоҳарлаъл Неру: «Россия улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, келажакка назар ташлади», деб таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кейинги ўн йилликлардаги муваффақиятли ривожи ўзаро ҳурмат ва хайриҳоҳлик ҳис-туйғулари янада кўпроқ мустаҳкамланишига олиб келди.

Мамлакатларимизнинг ғоят тинчликсевар ташқи сиёсати ҳам уларни яқинлаштириб турибди. Совет—Ҳиндистон дўстлигини мустаҳкамлаш ҳозирги вақтда иккала мамлакатнинг миллий манфаатлари нуқтаи назаридан ҳам, шунингдек бутун планетамизда тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро вазиятни соғломлаштириш нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. (Давомли қарсаклар).

Ҳурматли дўстлар!

Тажрибали сиёсий арбоблар ҳузурида гапираётганлигим сабабли Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг кейинги йиллардаги ҳамма конкрет қадамларини батафсил айтиб беришга эҳтиёж бўлмаса керак. Бу қадамлар

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДЕҲЛИДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ДЕҲЛИ, 30 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Шу кунларда дўст Ҳиндистон КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга сидқидилдан самимий иззат-икром кўрсатди. Л. И. Брежневнинг мамлакат давлат ва сиёсий арбоблари билан музокаралари ва суҳбатлари, Ҳиндистон пойтахтининг аҳолиси ва жамоатчилиги билан учрашувлари совет ва ҳинд халқларини бирлаштириб турган анъанавий дўстлик алоқалари бузилмаслигини, уларнинг тинчлик ва ҳамкорликка интилишини намойиш қилиб кўрсатди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг визити Ҳиндистон ҳаётидаги чинакам тарихий воқеа, Совет — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш йўлидаги янги қадам бўлди.

Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Москвага жўнаб кетди.

У билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. М. Пегов, СССР элчиси В. Ф. Мальцев, КПСС Марказий Комитети Бош секретари референти Е. М. Самотейкин ҳам жўнаб кетдилар.

Бир неча кун аввал бўлганидек, СССР ва Ҳиндистон давлат байроқлари билан Л. И. Брежнев, Индира Ганди портретлари билан, салом ва эзгу тилаклар битилган сўзлар ёзилган алвонлар билан безатилган кўчалар, майдонларга пойтахтнинг минглаб аҳолиси чиқди.

Қароргоҳдан Палам аэродромигача кортеж ўтиб борган бутун йўл бўйлаб тўпланган кишилар Л. И. Брежневни самимий табриклаб турдилар, унга оқ йўл тиладилар.

СССР ва Ҳиндистон давлат байроқлари билан безатилган Палам аэродромида Л. И. Брежневни ва унинг ҳамроҳларини Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди, ташқи ишлар министри Сваран Сингх, қишлоқ хўжалиги министри Фахриддин Али Аҳмад, молия министри Я. Б. Чаван, мудофаа министри Жагживан Рам, саноатни ривожлантириш, фан ва техника министри Ч. Субраманиам, планлаштириш министри Д. П. Дхар, нефть химияси саноати министри Д. К. Баруа, қуролли кучлар уччала тури штабларининг бошлиқлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневни кутиб олишни ташкил қилиш умуммиллий комитетининг Ҳиндистон миллий конгресс партияси раиси Ш. Д. Шарма бошчилигидаги аъзолари, Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг раиси Ш. А. Данге, Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг бош секретари Ражешвара Рао, парламент депутатлари, Ҳиндистоннинг таниқли жамоат арбоблари, дипломатик корпус аъзолари кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида СССРнинг Ҳиндистондаги муваққат ишлар вакили В. К. Болдирев, совет элчихонасининг ва Ҳиндистондаги бошқа совет муассасаларининг ходимлари бор эди.

Аэродромда фахрий қоровул саф тортди ҳамда СССР ва Ҳиндистон давлат гимнлари ижро этилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шарафига артиллерия салюти берилди.

Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди аэродромда нутқ сўзлади.

Индира ГАНДИ нутқи

Муҳтарам Брежнев жаноблари! Совет Иттифоқидан келган муҳтарам меҳмонлар!

Ўтган ҳафта биз учунгина эмас, шу билан бирга Совет Иттифоқи учун ҳам ва бутун дунё учун ҳам жуда муҳим бўлди. Брежнев жаноблари билан менинг ўртамда ва иккала мамлакатимизнинг вакиллари ўртасида бениҳоя фойдали фикрлашувлар бўлиб ўтди. Бу фикрлашувлар бутун дунёда тинчлик ва стабилликни мустаҳкамлашга, ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди. Бу эса улуғ мақсадга эришишнинг буюк воситаси бўлиб хизмат қилади. Икки ўртада бўлиб ўтган фикрлашувлар тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги куч-ғайратларга янги, янада катта мадад бўлиб қолиши шубҳасиз.

(Давоми 3- бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев 30 ноябрда Деҳлидан Москвага қайтиб келди. У Ҳиндистон Бош министри И. Гандининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Ҳиндистонда меҳмон бўлиб турган эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, шунингдек КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. М. Пегов, СССР элчиси В. Ф. Мальцев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин ўртоқлар Л. И. Брежневнинг сафарида унга ҳамроҳ бўлишди.

Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, В. В. Кузнецов, К. В. Русаков, К. У. Черненко, Г. Э. Цуканов, Н. А. Щелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат С. К. Цвигун, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси Г. К. Цинев, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари В. Д. Лебедев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. А. Голиков, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг биринчи ўринбосари М. И. Кувшинов Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги муваққат ишлар вакили П. Синай, Москвадаги Ҳиндистон элчихонасининг дипломатия состави ҳам бор эди.

(ТАСС).

МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқининг охири

(Боши 1-бетда).

сизларга маълум. Жаҳондаги вазиятни тубдан соғломлаштириб, тинчликнинг мустаҳкам гарантияларини вужудга келтирадиган ҳолатни таъминлаш, чинакам тинч-тотув яшашни, кескинликни юмшатишни, халқаро ҳамкорликни кенг миқёсда ривожлантиришни таъминлаш учун ҳамма ишни қилишни биз ўз вазифамиз деб ҳисоблаётганлигимиз сизларга маълум, албатта. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди ишлаб чиққан ва давлатимиз ташқи сиёсат фаолиятининг платформаси бўлиб қолган Тинчлик программаси ана шунга қаратилган.

Бу вазифаларни ҳал этишга, Тинчлик программасини амалга оширишга шу қадар катта аҳамият бераётганимизнинг боиси нима?

Янги жамиятни қуришнинг ўз кўламлари жиҳатидан улуғвор планларини амалга ошириш учун совет халқига тинчлик, осойишта халқаро вазият, бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш зарурлиги равшан. Бошқа халқларга ҳам, ер юзидаги ҳамма халқларга ҳам ана шулар керак. Масалага кенгроқ ва тарихий истиқболни кўзлаб қараладиган бўлса, ҳамма гап халқаро муносабатларнинг бутун ривожи, кўп жиҳатдан инсоният жамияти тарихининг ривожи ҳам қайси йўлдан боради, деган тарзда турибди.

Асримизнинг сўнгги чорак аср тажрибаси борилиши мумкин бўлган йўллардан бирини намойиш қилиб кўрсатди. Бу ўринда мен «совуқ уруш»ни назарда тутаман. Хўш, бу йўл қандай оқибатларга олиб келди? Бу йўл дунёни бир-бирига душман бўлган ҳарбий-сиёсий блокларга бўлишга, кўпгина давлатлар ўртасидаги нормал алоқаларни узишга олиб келди, бу йўл кўпгина мамлакатларнинг ички ҳаётини хунук аҳволга солиб қўйди. Одамларни оммавий қирғин қилиш воситалари ақл бовар қилмайдиган тарзда кўпайиб кетиши бу йўлнинг машъум натижаси бўлди. Бу йўл инсон даҳосининг энг ажойиб ютуқларини неъматдан иллатга айлантиришнинг ҳайратомуз қобилиятини ошкор қилди. Карл Маркснинг капитализм шароитидаги тараққиётни шарбатни ўлдирилган инсоннинг бош суягидан ясалган жомдан бошқа идишдан ичишни хоҳламайдиган шафқатсиз махлуққа ўхшатган сўзлари беихтиёр эсга тушади!

«Совуқ уруш» бунинг устига унчалик «совуқ» бўлиш билангина чекланиб қолмади. У ўхтин-ўхтин империалистлар билан мустамлакачилар коммунизмга қарши кураш шиори остида чиқариб турган ҳақиқий урушларга ҳам айланиб кета берди. «Совуқ уруш» энг ашаддий реакция озиқланадиган заминни вужудга келтириб, халқларнинг социал тараққиётига халақит берди, мустамлакачиликдан халос бўлган кўпгина мамлакатларга мустақил сиёсат ўтказишга халақит берди.

У бамисоли қора вабо сингари бундан четда қолишни истаганларни ҳам ўз домига торта берди, планетадаги бутун вазиятга даҳшатли соя солиб турди.

Дунё неча марталаб ядро уруши жаҳаннами ёқасига олиб бориб қўйилди. Фақат зўр куч-ғайратлар сарфлаш йўли билангина ҳозирча ана шу жаҳаннам ёқасида тўхтаб қолишга — баъзан энг сўнгги пайтларда тўхтаб қолишга муваффақ бўлинди. Ҳолбуки, атиги битта хатога йўл қўйилиши ҳамоно инсоният ўнгарилмас зўр фалокатга гирифтор бўлиши ҳеч гап эмас...

Биз ўзимиз бу йўлдан боришни истамаймиз ва бутун инсоният ҳам бундан буён бу йўлдан боришини хоҳламаймиз. Биз бошқа йўлни — мамлакатлар ўртасида нормал муносабатларни ўрнатиш йўлини, уруш ва кескинликнинг империалистик сиёсат яратган манбаларини тугатиш, қайси социал тузумга мансублигидан қатъий назар, ҳамма давлатлар ўртасида кенг миқёсдаги тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш йўлини кўриб турибмиз. (Қарсаклар). Давлатлар ўртасидаги мустаҳкам тинчлик ва тинч ҳамкорлик бошқа кўпгина муҳим вазифаларни ҳал этиш — миллий озодлик, социал тараққиёт, турли мамлакатлар ўртасидаги жирканч иқтисодий тенгсизликни бартараф этиш учун анча қулай шарт-шароитларни ҳам яратиб беради. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда кескинликни сақлаб қолиш ва кучайтириш муқаррар равишда олиб борадиган ядро фалокатига қарама-қарши қўйиладиган бирдан-бир йўл мана шу эканлигига бизнинг ишончимиз комил.

Бу йўл аста-секин реалликка айланиб бораётганлигини бугун биз зўр мамнуният билан айта оламиз. (Қарсаклар). Кейинги йилларда кўпгина давлатлар ўртасидаги муносабатлар — илгари жуда кескин ва қалтис бўлиб турган муносабатларда, — эндиликда тинч-тотув яшаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари бурилиш содир бўлаётганлиги тобора равшан сезилмоқда.

Бунинг сабаби нима?

Аввало шуки, бизнинг давримизда социалистик давлатларнинг, шунингдек мустамлакачиликдан халос бўлган мамлакатларнинг реал қудрати ва сиёсий таъсири жуда кўп даражада ўсди, ана шу ғоят тинчликсевар давлатларнинг халқаро муносабатлар бутун системасига таъсири кучайди.

«Совуқ уруш» илдизларини кесиб ташлаш учун унинг ташаббускорларини социализмни йўқ қилиб ташлаш, халқларнинг миллий озодлик революцияларини бўғиш ва бунда зўравонликка ҳамда зўравонлик қилиш билан дўқ уришга таяниш йўлидаги уларнинг умидлари мутлақо пуч эканлигига аниқ-равшан ишонтириш керак эди. Фақат бир нарса — жаҳон социализми билан миллий-озодлик ҳаракатини енгилмас кучга айлантиришгина уларни бу умидлари пуч эканлигига ишонтириши мумкин эди. Жаҳон социализми билан миллий озодлик ҳаракати ниҳоят ана шундай енгилмас кучга айланди! Инсониятга тараққиёт, озодлик ва тинчлик келтирувчи кучга айланди.

Ғарб давлатларининг бирмунча узоқни кўрувчи раҳбарлари дунёдаги вазиятни реалистик чамалаб, тазйиқ ўтказиш ва дўқ қилиш, кескинликни кучайтириш сиёсатини давом эттириш ҳеч бир истиқболсиз ва хатарли сиёсат эканлиги тўғрисидаги хулосани чиқара бошладилар. Социалистик мамлакатлар қатъият ва изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келган тинч-тотув яшаш ғояси капиталистик мамлакатларда ҳам тобора кенг кўламда қўллаб-қувватлана бошлади. Парламентнинг муҳтарам аъзолари, бунда ҳам биз сиз билан бирга тинчлик сиёсатининг тарихий хизматини, бу сиёсатга иккала давлатимиз — Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ҳар бири баҳоли қудрат қўшаётган катта ҳиссани кўриб фахрланишга ҳақлимиз! **(Давомли гулдурос қарсаклар).**

Бу кунларда халқаро муносабатларда содир бўлаётган ижобий жараёнлар Европа қитъасида ўзининг энг яққол ифодасини топмоқда, дейиш мумкин. Шу сабабли мен ижозатингиз билан Европадаги баъзи бир актуал проблемалар хусусидаги ўз фикрларимизни баён этиб бермоқчиман.

Халқларни ҳам, сиёсатчиларни ҳам кўп нарсага ўргатган иккита Жаҳон урушининг қонли тажрибаси, социалистик мамлакатлар тинчликсеварлик сиёсатининг куч-ғайратлари ҳамда бу куч-ғайратларни буржуазия Европасидаги реалистик фикровчи доиралар тушуниб, унга ижобий назар билан қараганлиги туфайли Европа давлатлари ниҳоят, ҳақиқатда шундай бир умумий фикрга келдилар: уруш, айниқса ядро уруши Европадаги проблемаларни ҳал этиш воситаси сифатида мутлақо истисно этилган деб ҳисобланиши лозим.

Кейинги йилларда социалистик давлатларнинг Франция билан, Германия Федератив Республикаси билан, Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатлар билан имзолаган шартномаларига ва бошқа муҳим ҳужжатларига ана шу эътиқод асос қилиб олинди.

Ҳозир эса, Европанинг бутун кўп асрлик тарихи мобайнида биринчи марта Европа давлатлари (АҚШ ва Канада иштирокида) коллектив бўлиб куч-ғайрат сарфлай бошладилар, улар Умумевропа кенгашида Европада янги ўзаро муносабатларнинг — тинч-тотув яшаш, актив ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларининг мустаҳкам пойдеворини биргаликда вужудга келтириш вазифасини ўз олдиларига қўйдилар.

Европа давлатларининг ижтимоий тузумидаги тафовутларни, улар у ёки бу соҳада ўзларининг миллий манфаатлари деб ҳисоблайдиган масалалардаги ихтилофларни ҳам ҳисобга олганда, ана шундай тинч муносабатлар ва ҳамкорликнинг давлатлар зиммасига мажбурият юклайдиган ва халқларни илҳомлантирадиган ўзига хос кодексини ишлаб чиқиш унчалик осон иш эмас, албатта. Шу сабабли Умумевропа кенгашида баҳслар ва мунозаралар давом этмоқда, дипломатия кураши давом этмоқда. Умуман олганда бунга ажабланмаса ҳам бўлади, шундай бўлишини олдиндан пайқаш мумкин эди.

Келгусида ҳаммамизнинг куч-ғайратларимиз билан қуриладиган Европа тинчлиги ва ҳамкорлиги биноси қитъанинг ҳозирги бир-бирига қарама-қарши ҳарбий-сиёсий блокларга бўлиниб туришининг ўрнини аста-секин эгаллайди, деб ҳисоблаймиз.

Бундан бир ой муқаддам Венада музокаралар бошланди. Бу музокараларнинг мақсади — қитъа марказидаги, бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган икки ҳарбий блок фаолият зоналари туташган жойдаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни ўзаро келишиб кўп томонлар иштирокида қисқартириш тўғрисида Европа тарихида биринчи битимни ишлаб чиқишдан иборат. Бизнинг тушунчамизда бу битим бирон томон ҳам бир томонлама манфаат кўрмайдиган, шу билан бирга умумий хавфсизлик ва ўзаро ишонч мустаҳкамланадиган тарздаги қисқартиришни белгилаши керак. Совет Иттифоқи назарда тутилаётган қисқартиришдан бирон-бир ҳарбий манфаат олишни даъво қилаётгани йўқ ва бошқа томон ҳам бундай манфаат олишига рози бўлмаслиги равшан. Бу нарса мутлақо равшан бўлмоғи керак.

Халқаро кескинликни юмшатиш қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун олиб борилаётган курашнинг бутун фронти бўйлаб олға силжиш йўлида қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради. Совет Иттифоқи неча ўн йиллардан бери шу йўлда кураш олиб бормоқда. Бизнинг куч-ғайратларимиз, бошқа социалистик давлатларнинг, барча тинчликсевар мамлакатларнинг куч-ғайратлари ҳозирнинг ўзидаёқ реал самаралар бера бошлади. Лекин ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Қуролланиш пойгаси ҳамон давом этиб, инсоният учун беҳисоб хавф-хатар вужудга келтирмоқда. Бу эса, халқаро муносабатларни кескинликни юмшатиш ва тинч-тотув яшашни мустаҳкамлаш йўлидан ривожлантиришнинг умумий тенденциясига тобора ошкора зид келиб қолмоқда.

Қуролсизланиш соҳасидаги баъзи бир қадамларни қўйиш — чунончи, қурол-яроғларнинг айрим турларини тақиқлаш, ядро синовларини батамом тўхтатиш, ҳарбий жиҳатдан энг кучли бўлган давлатларнинг стратегик қуролларини чеклашнинг бундан буёнги чораларини кўриш билан бирга, ҳамма жойдаги ва барча давлатларнинг ҳарбий бюджетларини қисқартириш — дунёни бу соҳадаги пировард мақсадга, яъни ялпи ва батамом қуролсизланишга эришишга яқинлаштириб қўяди. **(Қарсаклар).** Совет давлати ўзи ташкил топган дастлабки йиллардан бошлабоқ ана шу буюк мақсадга эришиш йўлида курашиб келмоқда. Совет давлати бу ишга шу дамгача кўпгина ҳисса қўшди.

Дўст Ҳиндистон парламентини ишонтириб шуни айтмоқчиманки, одамларни ўзаро қириш воситаларини йўқ қилиб ташлаш тўғрисида инсониятнинг энг доно кишилари кўп асрлардан бери орзу қилиб келаётган мақсад реалликка айланадиган кунни яқинлаштириш учун Советлар мамлакати ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилади. **(Давомли гулдурос қарсаклар).**

Парламентнинг мухтарам аъзолари!

Бутун дунёдаги вазиятни янада мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик сари барқарор равишда ўзгартириш учун Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларда кейинги икки йил ичида яхшилик сари содир бўлган ўзгаришлар жуда муҳимлиги, шубҳасиз. Аввало бошқа мамлакатлар учун аҳамиятли бўлган соҳалар тўғрисида гапирганда, бу ўзгаришларнинг энг асосий моҳияти шуки, иккита энг кучли давлат — социалистик ва капиталистик давлатлар тинч-тотув яшаш принципини ўзларининг ўзаро муносабатлари асоси деб ўзаро, бир-бирларига мажбурият юклайдиган тарзда давлат-ҳуқуқ формасида эътироф қилдилар. Бундан ташқари, улар ўз ташқи сиёсатларини ўтказишда ядро уруши чиқишига йўл қўймаслик мажбуриятини олдилар.

Янги жаҳон урушининг олдини олишдан манфаатдор бўлган дунёдаги ҳамма халқлар бундай шартномадан наф кўражакларини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. АҚШ билан муносабатларни яхшилаш соҳасида ана шу қадамларни қўйган пайтда Совет Иттифоқи ўзининг тинчликсевар социалистик ташқи сиёсатининг ҳаммага маълум бўлган принципларига мувофиқ иш кўрди. Америка Қўшма Штатларининг раҳбарлари шу ўринда сиёсий реализм, донишмандлик ва замон талабларини тушунганликларини кўрсатганликлари фактини биз муносиб равишда қадрлаймиз.

Тарихий ривожланишдаги ҳамма катта бурилишлар каби СССР билан АҚШ муносабатларидаги бу бурилиш ҳам осонгина содир бўлаётгани йўқ, балки турли кучларнинг кураши шароитида, баъзи бир қийинчиликлар ва мушкулликлар шароитида содир бўлмоқда. Ғарбий давлатлар ҳарбий-сиёсий блокидаги, шу жумладан, Қўшма Штатларнинг ўз ичидаги муайян доиралар Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилишини ўзлари учун маъқул деб ҳисобламаётганликларини ва шу сабабли бунга ҳар хил йўллар билан қаршилик қилаётганликларини биз равшан кўриб турибмиз.

Қўшма Штатлардаги бундай доираларнинг фаолияти гарчи Америка халқининг манфаатларига мутлақо тўғри келмаслигига бизнинг ишончимиз комил бўлса ҳам, ҳар ҳолда уларнинг ана шу фаолияти нақадар активлиги ҳаммага маълум.

Бироқ, 1972—1973 йилларда олий даражада ўтказилган Совет — Америка музокаралари якунида эришилган натижалар Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатларни соғлом, нормал изга солиб юбориш маъносида Совет ва Америка халқларининг туб, узоқ муддатли манфаатларига ҳам, ялпи тинчлик манфаатларига ҳам мос бўлиб тушиши шубҳасиз. Азиз дўстлар, биз Совет Иттифоқидагилар конструктив сиёсатнинг ана шу тинчлик йўлидаги ғалабасини ўчириб ташлаш ҳеч кимнинг қўлидан келмаслигига амин эканлигимизни тўппа-тўғри айтишга ижозат бергайсизлар! **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш ва тинч ҳамкорликнинг белгиланган йўлидан янада олға боришга қатъий аҳд қилган. Бунда биз Америка томони ҳам худди шундай иш тутади, деган фикрга асосланаётганлигимиз равшан.

Парламентнинг мухтарам депутатлари!

Буюк Осиё қитъаси халқаро турмушдаги ижобий ўзгаришлардан четда қолмаганлигини биз зўр мамнуният билан таъкидлаймиз. Осиёда ҳам кескинликни юмшатиш, халқаро муносабатларни нормаллаштириш локомотив йўлга чиқиб, тобора тезроқ ҳаракат қилиб бормоқда.

Осиёдаги вазият ҳамон мураккаб бўлиб турганлиги тўғрисида баҳслашмаса ҳам бўлади. Бу қитъада ҳали ҳам тўплар гумбурламоқда, ватанпарварларнинг қони тўкилмоқда. Бу ерда қалтис зиддиятлар, ҳал этилмаган катта-катта проблемалар ва давлатлар ўртасидаги низолар, таҳликали кескинлик манбалари ҳали ҳам анчагина бор.

Бироқ, шундай бўлса ҳам, силжишлар, каттагина силжишлар бўлаётганлиги сезилиб турибди.

Совет Иттифоқининг, барча тинчликсевар кучларнинг, шу жумладан Ҳиндистоннинг ҳам мададига таянган вьетнам халқи империалистик агрессияга қарши курашда эришган катта ғалабалар натижасида Вьетнамдаги уруш тўхтатилганлиги бунда жуда муҳим роль ўйнади. **(Давомли гулдурос қарсаклар).** Осиё қитъасидаги аҳволни яхшилашнинг зарур шарт-шароити ана шундан иборат эканлиги вақт ўтган сари тобора равшан бўлиб қолмоқда.

Жанубий Осиёдаги вазият жиддий равишда соғломлаштирилганлиги ва мустақил Бангладеш давлати Осиё халқлари оиласининг тенг ҳуқуқли қатнашчиси сифатида қаддини ростлаб олганлиги **(давомли қарсаклар)** Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бораётганлиги — ана шу ижобий жараённинг бошқа бир таркибий қисмларидир. Корея Халқ Демократик Республикасининг Кореяни тинч демократик бирлаштириш тўғрисидаги маълум таклифлари қитъадаги вазиятни соғломлаштириш ишига фойдали ҳисса бўлиб қўшилди.

Осиё мамлакатларида мустаҳкам тинчликка эришиш, бу ерда шу мамлакатларнинг бутун куч-ғайратларини ички ривожланишнинг актуал вазифаларига қаратиш учун қулай бўлган барқарор вазиятни вужудга келтириш реал бир иш эканлигига ишонч мустаҳкамланмоқда. Осиё давлатларининг хавфсизлигини йўлга қўйишга ва мустаҳкамлашга олиб борувчи ҳам жузъий, ҳам умумий характерга эга бўлган амалий йўллар ва конкрет тадбирларни қидириш кучаймоқда. Осиё жамоатчилиги ҳозир айни шу проблемалар устида ўйламоқдаки, биз буни катта ғалаба деб ҳисоблаймиз.

Осиёнинг тинч келажаги тўғрисидаги ғамхўрлик туфайли бирталай мароқли ташаббуслар, масалан, Жануби-Шарқий Осиёни бетараф, деб эълон қилиш ғояси, Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги яхши қўшничилик ҳамкорлигини таъминлайдиган ўзаро муносабатлар формуласини қидириб топиш, Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги таклиф, шу зонадаги ҳамкорлик планлари сингари ташаббуслар юзага келмоқда. **(Қарсаклар).**

Коллектив бўлиб куч-ғайрат сарфлаш йўли билан Осиёдаги хавфсизликни таъминлаш ғоясига бўлган қизиқиш ҳам кучаймоқда. Совет Иттифоқи бу ғоянинг ихлосманд тарафдори эканлиги маълум. Давлатимиз территориясининг катта қисми Осиёда жойлашганлиги учунгина биз бунга интилаётганимиз йўқ. Бизнинг фикримизча, Осиёда — инсониятнинг ярмидан кўпроғи яшаб турган қитъада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш бутун планетамиз миқёсида халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида қўйиладиган ва жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган қадам бўлур эди.

Бунда биз ишнинг сиёсий жиҳатинигина эмас, иқтисодий жиҳатини ҳам назарда тутмоқдамиз. Мустаҳкам тинчлик шароитларида Осиё мамлакатлари ўз олдиларида турган иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этишга, маданиятни ривожлантиришга биринчи марта бутун эътиборларини қарата оладилар. Бу шароитда уларнинг ўз иқтисодий мустақиллигини қарор топтиришлари осонроқ бўлади.

50-йилларда Осиё мамлакатлари ўз ўрталаридаги муносабатларни тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик йўлидан ривожлантиришни кўзда тутувчи принципларни ишлаб чиққан эдилар. Булар — Бандунг принципларидир. Шунингдек, Ҳиндистонга айниқса яқин бўлган панча шила сиёсатидир. Бироқ, кейинчалик бу ерда тилга олиб ўтиришга ҳожат бўлмаган сабабларга кўра, бу жараён тўхтаб қолди. Тўхтаб қолган ана шу ҳаракатни яна бошлаб юбориш вақти ҳозир келди, деб ўйлаймиз.

Шунинг учун ҳам Осиёда коллектив хавфсизлик ғоясини батафсил ва атрофлича муҳокама қилиш пайти келди, деб ҳисоблаймиз. Бундай муҳокама қитъада тинчлик ва хавфсизлик проблемаларига ёндошишнинг ҳамма манфаатдор давлатлар учун мақбул бўлган умумий йўлини чамалаб кўришга ёрдам берган бўлур эди. Хуллас, биз етилган вазифаларни яхшироқ тушунишга кўмаклашадиган кенг миқёсдаги актив, конструктив музокарага киришишга чақирамиз. Бунинг учун вақт етди, бунинг учун Осиёдаги ҳозирги вазият етарли шарт-шароитларни яратиб беради. Осиё тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолиши мумкин ва лозим. Худди ана шу улуғ мақсад йўлида меҳнат қилса арзийди, курашса арзийди.

Ҳа, курашса арзийди. Чунки ҳали тинчлик ва кескинликни юмшатиш ишининг жуда кўп ва анча нуфузли душманлари бор. Биринчи галда бу душманлар капитализм дунёсидаги урушга тайёргарлик билан бевосита боғлиқ бўлган кучлар бўлиб, улар қуролланиш пойгасини иложи борича кенгроқ миқёсда авж олдиришдан, ҳарбий харажатларни кўпайтиришдан манфаатдордирлар. Планетамизнинг турли жойларида, ҳар хил қитъаларда яшаб келаётган ашаддий реакция, ирқчилик кучлари, ошкора ва ниқобланган мустамлакачилик кучлари, ҳозирги замон фашизмининг турли формалари ҳам ана шулар жумласига киради. Буларнинг ҳаммаси бирлашиб, ҳозир халқаро муносабатларда тинч-тотув яшаш сари бошланган бурилишга қарши чиқувчи ягона фронтни ташкил қилиб турибдилар. Булар — халқларнинг социал тараққиётига, озодлигига, мустақиллигига ва тенг ҳуқуқлилигига қарши курашаётган кучларнинг ўзгинасидир.

Ана шуларнинг ҳаммаси халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва яхши қўшничилик ҳамкорлиги сари инсоният қилаётган ҳаракат йўлига бирталай ғовларни қўймоқда. Ўз-ўзидан равшандек туюлган ва халқлар жон-дилидан истаётган ана шу мақсадларга эришиш қийин ва машаққатли иш бўлиб чиқмоқда. Бу иш қатъият, ғайрат, сафарбарлик кўрсатишни ва кескинликни юмшатиш душманларининг қаршилигини бартараф этиш маҳоратини талаб қилади. Бу иш тинчлик ва тараққиёт тарафдори бўлган барча кучларнинг амалий бирдамлигини талаб қилади. Бу ишда ҳар бир тинчликсевар давлатнинг ҳиссаси муҳимдир. Халқаро турмушда жуда катта роль ўйнаётган Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи каби мамлакатлар бу ишга албатта ҳисса қўшишлари лозим.

Кейинги ҳафталарда Яқин Шарқда содир бўлган воқеалар ҳозирги халқаро муносабатлар мураккаблигининг, ҳозир дунёда бир-бири билан олишаётган кучлар тўқнаш келган қалтис нуқтанинг яққол ифодаси бўлди.

Нисбатан қисқа муддатли, лекин шиддатли ҳарбий олишувдан кейин ҳозир у ерда жимлик бошланди. Уруш ҳаракатлари тўхтатилди. Бироқ, ҳали ёнғинлар бурқсиб турибди. Минг-минглаб марҳумларга очилган аза ҳали тўхтагани йўқ, бир-бирига душман армиялар қуролларини шайлаб қарама-қарши бўлиб турибди. Яна қон тўкилишига йўл қўймаслик ва барқарор тинчлик ўрнатиш учун шошилинч чоралар кўриш лозимлиги равшан. Бироқ, бунинг учун ўтмиш сабоқларини ҳисобга олиш керак.

Кейинги вақтларда Яқин Шарқда ва унинг атрофида бўлиб ўтган воқеалардан қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Янги уруш аввало Яқин Шарқда портлаш хавфи бўлган аҳволни бундан буён сақлаб қолишга йўл қўйиб бўлмаслигини, агрессорнинг куч билан босиб олган ерларда бундан буён қолишига йўл қўйиб бўлмаслигини жуда равшан кўрсатди. Яқин вақт ичида можаро тинч бартараф этилмас экан, Исроил агрессиясининг ҳамма оқибатлари тугатилмас экан, Яқин Шарқда ҳар қандай вақтда янги, янада хатарлироқ уруш чиқиб кетиши мумкин.

Араблар дунёси энди бундан олти йил аввалги аҳволда эмаслигини уруш ҳаракатлари очиқ-ойдин кўрсатди. Уруш ҳаракатлари агрессия қурбони бўлган араб давлатларининг кучи ўсганлигини кўрсатди ва Исроил қуролли кучларининг енгилмаслиги тўғрисидаги афсонани чиппакка чиқарди. Шу билан бирга дунё араблар дунёси давлатлари амалий бирдамлигининг гувоҳи бўлди. Бу бирдамлик жаҳон майдонидаги муштарак манфаатларни ҳимоя қилиш борасида, ҳарбий соҳада ҳам, сиёсий ва иқтисодий тадбирларни амалга ошириш соҳасида ҳам намоён бўлди.

Адолатли кураш олиб бораётган араб халқлари билан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар, Осиё, Африкадаги ва бошқа қитъалардаги кўпгина давлатлар бирдамлиги ва уларга дўстона ёрдам бераётганлигининг юксак самарадорлиги ҳам амалда исбот бўлди. Ўзининг агрессив сиёсати туфайли Исроил шу кунларда сиёсий ва дипломатик жиҳатдан яккаланиб қолганлиги айниқса яққол кўринди.

Шу билан бирга, кейинги ҳафталардаги воқеалар халқаро муносабатларни нормаллаштириш соҳасида, халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида — айниқса турли ижтимоий тузумдаги энг катта давлатлар ўртасидаги муносабатларда кескинликни юмшатиш соҳасида кейинги йилларда қилинган иш ялпи тинчлик учун нақадар фойдали эканлиги яна бир карра кўз ўнгимизда исбот бўлди.

Парламентнинг муҳтарам аъзолари, кейинги 2-3 йил ичида кескинликни юмшатишнинг ана шу омили дунёда пайдо бўлмаганида, аҳвол бутунлай бошқача тус олган бўлар эди, сизлар менинг бу фикримга қўшиласизлар деб ўйлайман. Ҳозирги можаро ялпи халқаро кескинлик ва муносабатларнинг қалтислиги, айтайлик Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг қалтислиги вазиятида содир бўлганида, Яқин Шарқдаги тўқнашув янада анча хатарли тус олган бўлиши, у ялпи тинчликка хавф солувчи кўлам касб этиши мумкин бўлар эди.

Бундай ҳолда СССР билан АҚШ биргаликда бошлаган ва бошқа давлатлар қўллаб-қувватлаган ҳамда хавфсизлик кенгашининг Яқин Шарққа доир маълум қарорлар қабул қилинишига олиб келган, ўт очишни тўхтатиш имкониятини таъминлаган ташаббус билан чиқишнинг имкони бўлмас эди, деб дангал айтиш мумкин.

Ҳозирги энг асосий вазифа бўлажак музокаралар давомида Яқин Шарқдаги аҳволни ниҳоят тинч мустаҳкам равишда бартараф этишдан иборат. Бунинг учун эса, Исроил босиб олган ерларни шу ерларнинг қонуний эгаларига қайтариб бериш, фаластинлик араб халқига нисбатан адолатни таъминлаш ва шу асосда араб давлатлари билан Исроил давлати ўртасида мустаҳкам тинч-тотув яшаш ва яхши қўшничилик пойдеворини яратиш зарур. Шундай қилинмаса у ерда тинчлик ҳам, осойишталик ҳам бўлмайди.

Бўлажак музокараларнинг қатнашчилари зиммасига тарихий масъулият тушади.

Совет Иттифоқига келганда, у Яқин Шарқда мутлақо ҳеч қандай ғаразли манфаатларни кўзлаётгани йўқ. Бизнинг энг муҳим манфаатимиз фақат шундан иборатки, дунёнинг Совет Иттифоқи чегараларига яқин жойлашган ана шу районида, ниҳоят, ҳақиқатан ҳам мустаҳкам тинчлик, адолатли тинчлик ўрнатилсин деймиз. Зотан, Совет Иттифоқи бунга актив кўмаклашмоқ учун ўз томонидан ҳамма ишларни қилади.

Биз Яқин Шарқдаги воқеалар хусусида Ҳиндистон Республикаси тутган позицияни, у араб халқларининг ҳаққоний ишини қатъият билан очиқ-равшан қўллаб-қувватлаб чиққанлигини юксак баҳолаймиз. Ҳиндистон бундай позицияда турганлиги тасодифий бир ҳол эмас. Аксинча, бу позиция тинчликсевар давлат, халқларнинг тинчлиги ва ҳуқуқлари учун актив курашувчи давлат бўлган Ҳиндистоннинг ҳозирги халқаро муносабатлардаги умумий ролига хос позициядир.

Ҳиндистон озодликка эришгандан кейин кўп соҳаларда ёш давлатларнинг мустақил ташқи сиёсатига ўзига хос йўл очиб, новаторлик ролини ўйнади, дейиш мумкин. У Африка — Осиё давлатларининг империализмга қарши биринчи катта анжумани бўлган тарихий Бандунг конференцияси ташаббускорларидан бири бўлди. Ҳиндистон блокларга қўшилмаслик ҳаракатини бошлаб берган мамлакатлардан бўлди ва бу ҳаракатнинг тараққийпарварлик принципларини шакллантиришга кўмаклашди. Мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши чиқишлар, империалистик ҳарбий блокларга нисбатан оппозицияда бўлиш, миллий озодлик учун курашувчи халқларни қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тинч-тотув яшаш принципларига садоқат — ана шуларнинг ҳаммаси туфайли Ҳиндистон сиёсати ҳақли равишда юксак обрў-эътибор қозонди.

Жанубий Осиёдаги аҳволни нормаллаштиришга Ҳиндистон катта ҳисса қўшаётганлиги ҳаммага маълум. Шу зонадаги ҳамма давлатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатишга асос солган муҳим битимлар Ҳиндистоннинг актив иштирокида ишлаб чиқилди. Ҳиндистон кичик қитъасида энди яхши қўшничилик сари, ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари кескин бурилиш қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар биринчи марта вужудга келмоқда. Ҳиндистон, Бангладеш ва Покистоннинг барча чин дўстлари, ҳамма ҳақиқий тинчликсевар давлатлар бунга фақат қувонишлари мумкин.

Ҳиндистоннинг янги роли, унинг дунёдаги обрў-эътибори ва нуфузи ошиб бораётганлиги ҳаммага ҳам ёқмоқда, деб бўлмайди. Бу сир эмас. Баъзи кимсалар ҳатто бунга қаршилик қилишга ҳам уринмоқдалар. Совет Иттифоқига келганда, биз бу тарихий воқеани табриклаймиз. Ҳиндистоннинг халқаро роли кучайиб бораётганлигини биз ҳозирги замонда содир бўлаётган халқаро муносабатлар ғоят демократлашиб бораётганлигининг, асрлар бўйи ўзгалар сиёсатининг объектлари бўлиб келган халқлар халқаро турмушнинг тўла ҳуқуқли қатнашчилари ва ижодкорларига айланаётганлигининг яққол кўринишларидан бири деб биламиз. Ҳиндистоннинг сиёсати совет сиёсатининг ҳам мақсадлари бўлган мақсадларга эришишни — мустамлакачиликка қарши, агрессив империалистик урушларга қарши курашишни, тинчликни мустаҳкамлашни ва халқаро вазиятни соғломлаштиришни кўзлаётганлиги учун ҳам биз Ҳиндистоннинг янги ролини табриклаймиз.

Мустақил Ҳиндистонни мустаҳкамлаш йиллари — айни вақтда Совет — Ҳиндистон дўстлигини мустаҳкамлаш йиллари ҳам бўлди. Биз алоҳида-алоҳида алоқалардан иш бошлаб, жуда хилма-хил соҳаларда кенг ва яқин ҳамкорлик қилиш даражасигача етиб келдик. Бизнинг ҳамкорлигимиз тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага таянади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш вазифасини атоқли давлат арбоби ва оташин ватанпарвар Индира Ганди хоним бошчилигидаги Ҳиндистон ҳукумати тўла-тўкис тушуниб, актив равишда қўллаб-қувватлаётганлигини биз зўр мамнуният билан таъкидлаймиз.

Совет — Ҳиндистон дўстлигининг зарурлиги ва самарадорлиги ғояси Ҳиндистонда ҳам, Совет Иттифоқида ҳам миллион-миллион кишиларнинг онгига жуда сингиб кетган. Бу — муносабатларимизни янада муваффақиятли равишда ривожлантиришнинг энг мустаҳкам негизидир.

Ҳиндистон парламенти Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигини ривожлантиришга бундан буён ҳам кўмаклаша беради, деб умид билдиришга ижозат этгайсиз. Сизларни ишонтириб айтаманки, биз ҳам Совет Иттифоқида шу йўлдан бораверамиз.

Бизнинг Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлимиз — қатъий ва ўзгармас йўлдир.

Парламентнинг муҳтарам аъзолари, пировардида сизлар орқали Ҳиндистоннинг буюк халқини яна бир марта табриклашга, унга бахт-саодат ва равнақ тилашга ижозат бергайсизлар.

Эътиборингиз учун ташаккур.

* * *

Халқ палатасининг спикери Г. С. Дхиллон минбарга чиқади.

Г. С. ДХИЛЛОН нутқи

Брежнев жаноб олийлари!
Раис жаноблари!
Бош министр хоним!
Парламент аъзолари ва дўстлар.

Сизнинг визитингиз муносабати билан ўз номимдан ва шу мамлакатда яшаб турган 547 миллион кишининг вакиллари бўлган парламент аъзолари номидан самимий хурсандлик ҳисларимизни изҳор этиш шарафи менга берилганлигидан астойдил мамнун бўлиб ва фахрланиб турибман. Жаноб олийлари, Сизнинг бугун сўзлаган илҳомбахш ва дўстона нутқингиз учун сидқидилдан ташаккур айтишга ижозат бергайсиз, биз бу нутқингизни юксак даражада қадрлаймиз. Биз уни узоқ вақтлар давомида унутмай хотирамизда сақлаяжакмиз. (Қарсаклар).

Жаноб олийлари! Сиз бу ерда Ҳиндистон билан айниқса яқин муносабатларда бўлиб келаётган мамлакатнинг атоқли раҳбари сифатида меҳмон бўлиб турибсиз. Биз Сиздан айниқса хурсандмиз, чунки Сиз бизнинг самимий дўстимизсиз, Сиз бизга чин юракдан яхшилик тилаётган кишисиз. Сиз халқларимиз юксак даражада қадрлаётган мустаҳкам ҳамкорлик ва дўстлик сиёсатини таърифлаб ривожлантиришни кўнглингизга ғоят яқин олаётган кишисиз. Бу ерда Сиз қизғин ва меҳр-муҳаббат билан кутиб олиндингиз, кейинги тўрт кун ичида борган жойларингизнинг ҳаммасида барча Сизни кўриб чин юракдан хурсанд бўлди. Мана шу самимият ва мана шу вазият халқимизнинг мамлакатингизга бўлган зўр ҳурматини жуда тўғри ифодалаб турибди. (Қарсаклар).

Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик халқларимизнинг қалбида яшаб келмоқда. Бизнинг дўстлигимиз ёш кўчат эмас. Ҳиндистон озодликка эришмасдан анча олдиноқ халқларимиз бир-бирларига яқин бўлишга интилардилар. Махатма Ганди буюк мутафаккир Лев Толстойдан зўр таъсирланган киши эканлигини бутун дунё билади. Бизнинг озодлик ҳаракатимиз рус революциясидан илҳомланиб турди ва унга ҳар доим умид боғлади. Бизнинг раҳбарларимиз, жумладан Бош министр Жавоҳарлаъл Неру Сизларнинг улуғ курашингиздан, Сизларнинг улуғ муваффақиятларингиздан илҳомланиб турди, Совет Иттифоқидан ўрнак олишга интилди. Мана шу тарихий умумият халқларимизни бирлаштирди, чунки улар тенглик, эркинлик, ривожланиш, камбағалчиликни тугатиш идеалларига қатъий ишонадилар ҳамда мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши кескин курашмоқдалар. Шу сабабли биз мустақилликка эришганимиздан кейин иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатлар муттасил ўсиб борганлиги мутлақо табиийдир. Бу муносабатлар кенгайиб, чуқурлашиб, тобора етилиб ривож топаверди ва йиллар ўтган сари тобора самарали мазмун касб қилаверди. (Қарсаклар).

Фан мисли кўрилмаган даражада ривожланиб кетганлиги натижасида ҳозир биз масофалари муттасил қисқариб бораётган планетада яшаб турибмиз. Ҳозирги кунда инсоният планетамиздаги халқларнинг муштарак манфаатларини ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ўйлаб, фикр юритиши ва ҳаракат қилиши лозим. Бундай шароитда мазлум халқлар ёки ўзларининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш имкониятидан маҳрум бўлган халқлар мавжуд экан, ер юзида чинакам бахт-саодат бўлиши мумкин эмас.

Жаноб олийлари! Тинч-тотув яшашнинг асосий беш принципини тан олган жаҳон раҳбарлари орасида Сиз энг биринчиларнинг бири бўлганлигингизнинг ўзи Сизнинг нақадар донишманд ва зийрак раҳбар эканлигингизни кўрсатиб турибди. Жаҳон халқлари бир-бирлари билан яқинлашишлари, ўз билимларини, тажрибаларини ва ресурсларини бир-бирлари билан баҳам кўриб, ўзаро ҳамкорлик асосида тараққиёт йўлидан боришлари ва ривожланишлари лозим. Бу улуғ миллатимиз асос қилиб олган принципларнинг биридир. Сиз ҳам шу принципга кескин ишонч ҳисси билан ва қатъий тарафдорлик билан амал қилмоқдасиз. Иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатлар иккала халқимиз ўртасидаги конструктив ҳамкорликнинг мана шу идеалларига асосланганлиги ҳаммага яхши маълум. (Қарсаклар).

Дарҳақиқат, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришда биз ақл-идрок руҳига амал қилмоқдамиз. Мана шу ақл-идрок руҳи барча халқлар ўртасидаги муносабатлар характерини белгилаб бериши лозим. Тараққийпарвар, тинчликсевар икки халқ турли соҳаларда конструктив ҳамкорлик қилишлари мумкинлигини биз ўзимизнинг кўп йиллик дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз билан бутун дунёда исботладик. Ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро фойдаланишдан, ўзаро бойишдан ташқари бундай ҳамкорлик тинчлик ва стабиллик учун ҳам жуда кўп ишлар қилиш мумкинлигини кейинги йилларнинг воқеалари яққол кўрсатди.

Жаноб олийлари, Сиз каби шундай атоқли раҳбарнинг бу визитингиз Ҳиндистон — Совет дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса қўшди ва халқларимизни бир-бирига тағин ҳам кўпроқ бирлаштирди деб айтишга ижозат бергайсиз. (Қарсаклар).

Бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси номидан Сиз, Брежнев жаноб олийларига яна бир марта ташаккур айтишга ва орамизда турганлигингиздан ғоят хурсанд эканлигимизни билдиришга ижозат бергайсиз. Парламентимиз ва халқимизнинг чин юракдан йўллаётган самимий саломини Совет Иттифоқининг улуғ халқига топширишингизни Сиздан илтимос қилар эдик. **(Давомли қарсаклар).**

СОВЕТ — ҲИНДИСТОН ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(Боши 1-бетда).

Ҳиндистон Бош министри Совет Иттифоқининг халқаро тинчликни мустаҳкамлашга, давлатлар ўртасидаги тинч ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган, шунингдек, мустамлакачиликка қарши, ўз мамлакатларининг сиёсий мустақиллиги ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ташқи сиёсат фаолиятини юксак баҳолади.

Ҳиндистон Бош министри ўз навбатида Ҳиндистоннинг блокларга қўшилмасликка ва давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принципларига асосланган ташқи сиёсати тўғрисида, шунингдек Ҳиндистон экономикасининг ривожи ҳақида ва ҳукуматнинг ҳинд халқи турмушини яхшилашга қаратилган социал-иқтисодий тадбирлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарига ахборот берди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ҳиндистон изчиллик билан ўтказаётган тинчликсевар ташқи сиёсатни, унинг блокларга қўшилмаслик сиёсатини ва тинчлик учун, эски ва янги мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши курашга қўшаётган катта ҳиссасини юксак баҳолади, шу сиёсат туфайли Ҳиндистон халқаро майдонда муносиб обрў қозонганлигини таъкидлади.

Музокаралар давомида ҳар иккала томон тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида СССР билан Ҳиндистон ўртасида 1971 йил августида тузилган Шартноманинг ғоят муҳим аҳамиятини таъкидлади, бу шартнома иккала мамлакат ўртасидаги анъанавий дўстликни мустаҳкамлашда янги босқич бўлганлигини айтди. Шартнома сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳаларда ва бошқа соҳаларда Совет—Ҳиндистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга ижобий таъсир ўтказмоқда. Бу шартнома Осиёда ҳамда бутун дунёда тинчлик ва стабилликни мустаҳкамлашнинг энг катта омилларидан бири бўлиб қолди.

Томонлар иккала мамлакат халқларининг қимматбаҳо бойлиги бўлиб қолган Совет—Ҳиндистон дўстлиги ва ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантиришга иккала мамлакат қаттиқ бел боглаганлигини тантанали равишда тасдиқладилар.

III.

Актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашув чоғида томонлар халқаро аҳволининг энг муҳим масалалари юзасидан СССР билан Ҳиндистоннинг позициялари бир-бирига мос ёки яқинлигидан ўзларининг мамнун эканликларини изҳор этдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ҳозирги дунёда кўпчилик давлатлар халқаро кескинликни юмшатишга, низоли проблемаларни музокаралар йўли билан бартараф этишга интилаётганликлари тобора равшан намоён бўлаётганлигини таъкидлади. Совет Иттифоқи олий даражадаги Совет—Америка музокаралари натижасида умумий халқаро вазиятни соғломлаштиришга қўшилган муҳим ҳиссани ижобий баҳолаб, шу музокаралар давомида эришилган битимлар тинч ҳамкорликни ривожлантириш ва халқаро иқлимни яхшилаш ишига хизмат қилади деб ҳисоблайди. Совет Иттифоқи ядро урушининг олдини олиш тўғрисида тузилган Совет—Америка битимига катта аҳамият беради. Бу битим СССР билан АҚШ халқларининг манфаатларигагина эмас, шу билан бирга ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига ҳам мос бўлиб тушади.

Ҳиндистон Бош министри СССР билан АҚШ ўртасидаги кескинлик юмшатилганлигини табриклади. Чунки бу тадбир дунёдаги кескинликни юмшатишга ёрдам беради. Ҳиндистон Бош министри КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг бу йўлдаги куч-ғайратларини юксак баҳолади ҳамда дунёнинг бошқа районларида ҳам кескинлик юмшатилади ва у инсониятга хавф-хатар солиб турган ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасига чек қўяди, деб умид билдирди.

Европадаги кескинликни юмшатиш ва бу қитъада тинчликни мустаҳкамлаш жараёни чуқурлашиб бораётганлигини томонлар табрикладилар. Улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг катта аҳамиятини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, бу кенгаш кескинликни юмшатишга салмоқли ҳисса қўшиши ҳамда Европа қитъасида тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликка пухта замин яратиш лозим. Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Умумевропа кенгаши муваффақиятли равишда тугалланишига улар умид билдиришди.

Шу билан бирга улар дунёнинг айрим районларида кескинлик манбалари ҳамон сақланиб қолаётганлигини қайд қилдилар ҳамда эски ва янги мустамлакачилик, ирқий камситиш ва апартеид сиёсатининг мавжуд қолдиқларини тугатиш учун куч-ғайрат сарфлаш зарурлигини таъкидладилар. Иккала томон реакция ва империализм кучларига қарши курашаётган барча ҳукуматларни қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар. Улар иккала давлат урушнинг ҳамон мавжуд бўлиб турган ҳамма ўчоқларини тугатиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашга тайёр эканликларини яна бир карра билдирдилар, бу уруш ўчоқлари халқаро хавфсизликка, бутун дунёдаги тинчликка ва халқлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка хавф солиб турибди.

Кескинликнинг юмшатилиши дунёдаги катта ва кичик ривожланган ва ривожланаётган барча мамлакатларга реал амалий самаралар бериши мумкин ва лозимлигига томонларнинг ишончи комил.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Осиёдаги вазиятда содир бўлаётган ижобий силжишларни табриклайдилар.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг фикрича, Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисида 1973 йил 27 январда имзоланган Париж шартномаси асосида Вьетнамдаги тинчлик тикланганлиги, шунингдек Лаосда тинчликни тиклаш ва миллий иноқликка эришиш тўғрисидаги битим имзоланганлиги Осиёда ва бутун дунёда вазиятни соғломлаштириш учун, ҳал этилмаган бошқа халқаро проблемаларни бартараф қилиш учун шарт-шароит яратиб беради. СССР билан Ҳиндистон мазкур битимларнинг ҳамма томонлар ҳеч оғишмай ва тўла-тўкис бажаришни учун, шунингдек Камбоджа проблемасини Камбоджа халқининг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тезроқ ва одилона ҳал этиш учун қатъият билан курашмоқдалар.

Кореянинг шимоли билан жануби ўртасидаги алоқаларни томонлар табриклайдилар ҳамда Корея ярим оролидаги кескинликнинг юмшатилиши Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб ҳисоблайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан Ҳиндистон Бош министри И. Ганди Ҳиндистон кичик қитъасидаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олдилар. Ҳиндистон кичик қитъасидаги аҳволни нормаллаштиришга халақит бериб турган бир қанча проблемаларни бартараф этиш тўғрисида бир битимга келинганлиги шу районда яқинда содир бўлган танглик оқибатларини тўла-тўкис бартараф этиш ишида катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир.

Иккала томоннинг фикрича, Ҳиндистон кичик қитъасида ҳамон мавжуд бўлган низоли проблемалар манфаатдор мамлакатлар ўртасида четдан ҳеч кимни аралаштирмай музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилиши мумкин ва лозим. Шу проблемаларни Ҳиндистон билан Покистон ўртасида тузилган Симла битимига мувофиқ бартараф этиш шу райондаги ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг фикрича, Ҳиндистон билан Бангладешнинг 1973 йил 17 апрелдаги қўшма декларацияси ва Ҳиндистон билан Покистоннинг 1973 йил 28 августдаги битими кичик қитъадаги вазиятни тўла-тўкис нормаллаштириш йўлида қўйилган муҳим қадамлар бўлди.

Бангладеш Халқ Республикаси экономикасини мустаҳкамлашда ва Бангладеш халқи олдида турган мураккаб проблемаларни ҳал қилишда Бангладеш Халқ Республикаси эришган муваффақиятларни томонлар мамнуният билан табрикладилар. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Бангладеш Халқ республикаси БМТга қабул этилишининг тарафдори эканликларини айтдилар ва унинг ана шу халқаро ташкилот аъзоси бўлишдан иборат қонуний ҳуқуқини амалга оширишни пайсалга солиш учун ҳеч қандай асос йўқ, деб ҳисоблайдилар.

Томонлар Бангладешнинг Покистон томонидан эътироф этилиши кичик қитъадаги аҳволни сиёсий бартараф этишга тезроқ эришиш ва мустаҳкам стабилликни таъминлаш манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди, деб ҳисоблайдилар ҳамда Покистон томони яқин вақт ичида шундай қадамни қўяди, деб умид билдирадилар.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Яқин Шарқдаги аҳвол муносабати билан ғоят ташвишланаётганликларини билдирдилар. Бу ерда Исроил араб территорияларини ҳамон оккупация қилиб турганлиги натижасида яқинда яна уруш ҳаракатлари чиқди. Томонлар Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 22 октябрдаги 338-қарорини табриклайдилар ва бу муҳим қарорда Яқин Шарқ можаросини сиёсий бартараф этишнинг принципиал негизи — Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги 242-резолюциясини дарҳол амалий равишда бажариш лозимлиги аниқ кўрсатиб берилганлигини таъкидлайдилар. Исроил оккупация қилиб олган араб территорияларини батамом озод қилмай туриб ва фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминламай туриб бу районда мустаҳкам тинчлик ўрнатиб бўлмайди. Исроил ўзи босиб олган араб территорияларини нақадар тезроқ озод қилса, Яқин Шарқдаги тинчлик шу қадар тезроқ таъминланиши мумкин. Бу районда Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясини қатъий бажариш асосидагина мустаҳкам тинчликни таъминлаш мумкин ва бу нарса шу райондаги ҳамма мамлакатлар ҳамда халқлар хавфсизлигининг ва уларнинг ҳуқуқлари ҳурматланишининг энг пухта гарови бўлади, деган фикрга иккала томон қўшилди. Иккала томон араб давлатлари ва халқларининг ҳаққоний ишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давом эттиришга қаттиқ бел боғлаганликларини билдирадилар.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон дунёдаги энг катта ва кўп аҳоли яшайдиган ана шу райондаги барча давлатларнинг биргаликда сарфлайдиган куч-ғайратлари асосида Осиёда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда тинчлик ва стабилликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бераётганликларини таъкидладилар. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқлар тинчлик ва яхши қўшничилик вазиятида яшай оладиган, ресурслар, шу жумладан одам ресурслари социал ва иқтисодий проблемаларнинг ҳал этилишига қаратиладиган шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш зарур, деган фикрга келдилар. Халқларнинг турмуш даражасини кўтариш, экономика ва маданиятни юксалтириш биринчи навбатда ана шунга боғлиқ бўлади.

Томонларнинг фикри шуки, давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч ишлатишдан воз кечиш, суверенитетни ва чегараларнинг дахлсизлигини ҳурматлаш, ички ишларга аралашмаслик, тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаат асосида иқтисодий ҳамкорликни ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенг миқёсда ривожлантириш сингари принциплар барча давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг негизи бўлиши лозим.

Осиёни мустаҳкам тинчлик, стабиллик ва яхши ҳамкорлик қитъасига айлантириш, иккала томоннинг фикрича, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янада нормаллаштиришга ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга ҳеч шубҳасиз кўмаклашади.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқларининг ўз тақдирини эркин тасарруф этиш, ўз суверен ҳуқуқларини амалга ошириш ва прогрессив социал-иқтисодий ўзгартишларни турмушга татбиқ этиш ҳуқуқини изчиллик билан ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотига катта аҳамият бериб ва унинг халқаро кескинликни юмшатиш ишига қўшаётган ижобий ҳиссасини эътироф этиб, БМТни мустаҳкамлашга эришишга, БМТ уставининг мақсадлари ва принципларига қаттиқ риоя қилиш асосида ялпи тинчликни ва халқлар хавфсизлигини ҳимоя қилишда бу ташкилотнинг самарадорлигини оширишга қатъий аҳд қилганликларини таъкидладилар.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг фикрича, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролини ҳам, шунингдек қурол-яроғларнинг оддий турларини ҳам ўз ичига оладиган ялпи ва тўла қуролсизланишга самарали халқаро контроль остида эришиш тинчликни сақлаш ва таъминлаш учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Улар қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини чақиришга амалий равишда тайёргарлик кўра бошлаш вақти келди, деган фикрни якдиллик билан билдирадилар ва шу мақсадда БМТнинг махсус комитети ишига мадад беришга тайёрдирлар.

Иккала томон Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш масаласини қулай тарзда ҳал этиш йўлини топишда барча манфаатдор давлатлар билан биргаликда тенг асосларда қатнашишга ўзларининг тайёр эканликларини таъкидлайдилар.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон БМТ Бош ассамблеясининг БМТга аъзо бўлган давлатлар номидан ассамблея халқаро муносабатларда БМТ уставига мувофиқ ҳамма шаклларда ва кўринишларда куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан дўқ қилишдан воз кечиш ҳамда ядро қуролини қўллашни айни бир вақтда абадий тақиқлаш лозимлигини тантанали равишда эълон қилган резолюцияни қабул этганлигини халқаро турмушдаги катта воқеа деб мамнуният билан таъкидлайдилар. Томонлар шунга аминдирларки, бу қарорнинг амалга оширилиши халқаро хавфсизлини мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, барча давлатларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Улар БМТ Бош ассамблеясининг мазкур қарори амалга оширилишини таъминлайдиган тадбирларни БМТ йўли билан ҳеч кечиктирмай кўришни талаб қиладилар.

Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатларнинг ҳарбий бюджетларни қисқартириши тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан БМТга тақдим этилган таклифни Ҳиндистон Бош министри мамнуният билан кутиб олди ва Ҳиндистоннинг шу муносабат билан тежаб қолинган маблағларнинг бир қисмини ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжлари учун қўшимча ёрдам бериш мақсадида фойдаланиш лозим, деган фикрини яна бир бор изҳор этди. Бу таклифдан қуролсизланиш манфаатлари йўлида, шунингдек ривожланиш эҳтиёжлари учун ёрдамни кўпайтириш манфаатлари йўлида қай тарзда фойдаланилиши мумкинлигини аниқлаш йўлидаги амалий куч-ғайратларни давом эттириш лозим, деган фикрга иккала томон қўшилди.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон мустамлакачилик қолдиқларини тезроқ ва тўла-тўкис тугатиш учун, БМТнинг мустамлака мамлакатларга ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларациясини тез ва самарали бажариш учун бундан буён ҳам қатъият билан кураша берадилар. Томонлар қаерда мавжуд бўлишидан қатъий назар, ҳамма шакл ва кўринишлардаги ирқчилик ҳамда апартеидни қатъиян қоралайдилар.

IV.

Музокаралар давомида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан Ҳиндистон Бош министри ҳар томонлама Совет — Ҳиндистон алоқалари тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам негизида муттасил кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигидан ғоят мамнун эканликларини изҳор этдилар. СССР билан Ҳиндистон иккала мамлакат ўртасида таркиб топган дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлини бундан буён ҳам изчиллик билан ўтказа беришларини улар тантанали равишда тасдиқладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан Ҳиндистон Бош министри барча лавозимдаги давлат арбоблари ўртасидаги учрашув ва алоқаларнинг, шунингдек олий даражадаги шахсий учрашув ва алоқаларнинг давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун, давлатлараро муносабатлар масалаларини ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларини муваффақиятли равишда ҳал этиш учун катта аҳамияти борлигини таъкидладилар.

Суҳбатлар давомида СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий, савдо-сотиқ ва илмий-техникавий ҳамкорлик муваффақиятли равишда ривожланиб бораётганлиги юксак баҳоланди.

Иккала мамлакат ўртасидаги кенг иқтисодий ҳамкорлик натижасида Бхилаи ва Бокародаги металлургия заводлари, Ранчи, Хардвар ва Дургапурдаги машинасозлик заводлари, Бараунн ва Койялидаги нефтни қайта ишлаш заводлари, нефть конлари, электр станциялар ва шулар сингари бир қатор йирик саноат корхоналари ва объектлари қурилди ва қурилмоқда, бу эса Ҳиндистон ҳукуматининг мамлакат иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги интилишига мос бўлиб тушади.

Томонлар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаттиқ аҳд қилганликларини билдирдилар. Бу ҳамкорлик илгари СССР ёрдамида қурилган баъзи бир объектларни кенгайтириш ҳамда янги саноат корхоналарини ва бошқа объектларни қуриш йўли билан, шу жумладан, қора ва рангли металлургия, геология-разведка, нефть, табиий газ ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, энергетика, нефть химияси ва саноатнинг бошқа тармоқларида, қишлоқ хўжалигида, шунингдек миллий техника кадрларини тайёрлаш соҳасида давом эттирила беради. Шу билан бирга томонлар, жумладан, Бхилаидаги металлургия заводи қувватини йилига 7 миллион тонна ва Бокародаги металлургия заводи қувватини йилига 10 миллион тонна пўлат берадиган микдорда янада кенгайтиришда, Матхурда йилига 6 миллион тонна нефтни қайта ишлайдиган нефтни қайта ишлаш заводини, Маланжханда мис кон-саралаш комплексини, Калкуттадаги метрополитенни ва келгусида томонлар белгилаши мумкин бўлган бошқа объектларни қуришда, шунингдек рангли металлургия, енгил саноат ва саноатнинг бошқа тармоқларидаги ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришда ҳамкорлик қилишлари назарда тутилади.

Шу муносабат билан СССР ҳукумати зарур бўлган ҳолларда Ҳиндистон ҳукуматига тегишли иқтисодий ёрдамни бериб туради.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга визити вақтида қуйидаги битимлар имзоланди:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисидаги битим, шунингдек шу битимни амалга ошириш соҳасидаги бир қанча конкрет тадбирларни белгилайдиган протокол;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Давлат план комитети билан Ҳиндистон Республикасининг план комиссияси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ўртасида консуллик конвенцияси.

Бу битимлар СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига янги катта ҳисса бўлиб қўшилишига иккала томоннинг ишончи комилдир.

Совет — Ҳиндистон савдоси анчагина ривож топганлигини томонлар мамнуният билан қайд қиладилар. Тенглик ва ўзаро манфаат принципларига асосланган самарали савдо-иқтисодий ҳамкорлик иккала дўст давлат экономикасини ривожлантиришдаги объектив қонуният ва муҳим омил бўлиб қолди.

Томонлар ҳамкорлик соҳасида тўпланган тажрибага асосланиб, 1980 йилга борганда Совет — Ҳиндистон савдоси ҳажмини бир ярим-икки баравар кўпайтиришни таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида келишиб олдилар. Шу мақсадда томонларнинг тегишли ташкилотлари 1974 йилда иккала мамлакат ўртасидаги савдони узоқ муддатли, стабиль асосда ва кенг миқёсларда янада ривожлантиришга доир таклифларни биргаликда ишлаб чиқадилар. Бу таклифлар саноат маҳсулотининг айрим турларини ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни ҳисобга олиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги формаларини, СССРда ва Ҳиндистонда СССР билан Ҳиндистонга зарур бўлган молларни ўзаро етказиб беришни кўпайтириш учун янги корхоналар қуриш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришни назарда тутиши лозим.

Фан, санъат, адабиёт, маориф, соғлиқни сақлаш, матбуот, радио, телевидение, кино, туризм ва спорт соҳаларидаги Совет — Ҳиндистон алоқалари ривожланиб бораётганлигини иккала томон табриклайди. Улар мазкур соҳалардаги мавжуд алоқаларни янада такомиллаштириш ва кенгайтириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Иккала томон комил ишонч билдириб айтдиларки, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг визити ва визит вақтида бўлиб ўтган музокаралар Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига, Осиёда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига янги муҳим ҳисса қўшилганлигини билдиради.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Ҳиндистон Бош министри И. Гандини расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига боришга таклиф қилди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул этилди.

КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари

Л. БРЕЖНЕВ

Ҳиндистон Республикасининг
Бош министри

И. ГАНДИ

Янги Деҳли 1973 йил 29 ноябрь.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДЕҲЛИДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

(Боши 1-бетда).

Биз иккала мамлакатимиз ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни назарда тутувчи битимларни имзоладик. Бош секретарь жаноблари, Сизнинг визитингиз иқтисодий ва техникавий алоқаларимизни кенгайтириш учун янги имкониятлар очиб берди. Ана шу ҳар томонлама алоқаларни биз иқтисодий мустақиллигимиз асосларини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ғоят муҳим алоқалар деб ҳисоблаймиз. Чунки мамлакат камбағаллик ва тенгсизлик сабабли келиб чиққан қийинчиликларни мустаҳкам иқтисодий негиздагина бартараф этиши мумкин. Иқтисодий қолоқликни тугатиш учун биз аввало ўз кучимизга таянишимиз ва шу мақсад йўлида қурбонлар беришга тайёр бўлиб туришимиз лозимлигини биламиз.

Бироқ, бир қанча алоҳида мураккаб проблемалар борки, уларни ҳал этишда бизга четдан ҳам ёрдам керак бўлади. Ҳозирги дунёда биронта мамлакат ҳам ўзини-ўзи тўла-тўкис таъминлаши мумкин эмас. Биз ўзимизнинг ривожланиш планларимизни бажариш орқали ўзимизни ўзимиз таъминлашнинг катта йўлидан олға бораверамиз. Миллий экономикани ривожлантиришнинг тўртинчи беш йиллик планига мувофиқ капитал маблағларнинг 85 проценти ўзимизнинг маблағларимиз бўлди. Яқин орада биз бажаришга кирищадиган бешинчи беш йиллик планга мувофиқ эса, капитал маблағларнинг 92 проценти ўз маблағларимиз бўлади. Биз ташқаридан олинадиган ёрдам тўғрисида гапирганимизда, баъзи одамлар бу ёрдам ўзимизнинг куч-ғайратларимизга нисбатан нақадар оз процентни ташкил қилишини унутиб қўядилар.

Таҳликалар ва зиддиятларга тўла бўлган ҳозирги дунёда дўстлигимиз одамларни ижтимоий тузум ҳар хил бўлишига ва бошқа баъзи тафовутларга қарамай, тинчликни сақлаб қолиш мумкинлигига ўргатади ва бунинг намунаси бўлиб хизмат қилади. Бирликка, тинчлик ва равнаққа интилиш инсониятни бир бутун қилиб жипслаштириши мумкин.

Муҳтарам Бош секретарь жаноблари!

Биз Сизни атоқли давлат арбоби сифатида табрикладик, биз Сизни Совет Иттифоқи раҳбарларининг атоқли вакили сифатида табрикладик. Ҳозир Сиз ўз юртингизга жўнаб кетаётганингизда биз Сиздан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний жаноби олийларига, ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин жаноби олийларига ва Совет Иттифоқининг бошқа раҳбарларига бизнинг самимий, энг яхши тилакларимизни етказишингизни сўраймиз.

Биз Сиздан улуғ мамлакатингиз халқларига дўстлик ва холис ният туйғуларимизни ҳам етказишингизни сўраймиз.

Бош секретарь жаноблари, Сизга оқ йўл тилашга ижозат бергайсиз. Ишингизда муваффақиятлар тилаб билдирган энг яхши истакларимизни ҳам қабул этгайсиз.

* * *

Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарама Бош министр жаноблари!

Деҳли шаҳрининг муҳтарам гражданлари!

Азиз дўстлар!

Серқуёш, меҳмоннавоз, дўст Ҳиндистонда бўлиш кунларимиз тугади.

Бу кунлар улуғ Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидан келган содиқ дўстларини табриклаган ўн минглаб ва юз минглаб гражданларининг кўзларидаги нур ва чеҳраларидаги табассумидан чақнаган дўстлик ҳароратига тўла кунлар бўлди.

Визитимиз кунларида «Ҳиндистон Республикасининг атоқли раҳбарлари — Бош министр Индира Ганди ва унинг сафдошлари билан батафсил, аминманки, ғоят самарали суҳбатлар жуда кўп ўтказилди.

Биз Ҳиндистон раҳбарлари билан ўтказган музокаралар бизга халқларимизни бирлаштириб турган бузилмас дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш соҳасидаги янги қадамларни белгилаш имконини берди.

Биз дўст Ҳиндистон диёридан ёрқин, унутилмас таассуротлар билан қилинган ишдан зўр мамнуният туйғуси билан жўнаб кетмоқдамиз. Халқларимизнинг бахт-саодати йўлида, бутун дунёда тинчлик йўлида Совет — Ҳиндистон муносабатларининг истиқболлари яхши эканлигига ишончимиз комил. (Қарсаклар).

Бизга кўрсатилган иззат-икром ва меҳмондўстлик учун, Совет Иттифоқига ва унинг вакилларига изҳор этилган эзгу туйғулари учун Ҳиндистон Республикасининг Президенти Гири жанобларига, Бош министр Индира Ганди хонимга, Ҳиндистон ҳукуматига ва халқига самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Биз мамлакатингизнинг Бош министри муҳтарама Индира Ганди хонимни ўз мамлакатимизда қувонч билан табриклаб кутиб оламиз. Сизларни ишонтириб айта оламанки, Совет раҳбарлари, совет халқи Индира Ганди хонимга, бизга дўст улуғ Ҳиндистоннинг вакилига муносиб бўлган ғоят самимий меҳмондўстлик кўрсатадилар. (Қарсаклар). Бу визит ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз дўстлигини янада кўпроқ мустаҳкамлашига ишонамиз. (Қарсаклар).

Ҳиндистон халқига чин кўнгилдан мустаҳкам тинчлик, бахт-саодат ва эсон-омонлик тилаймиз.

Азиз дўстлар, самимиятингиз, очиқ чеҳрангиз ва иззат-икромингиз учун яна бир карра катта раҳмат. (Қарсаклар).

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Индира Ганди ва кузатиб қолувчи бошқа кишилар билан самимий хайрлашади.

Самолёт Москвага йўл олади.

Н. КОЛЕСОВ, В. МАТЯШ.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ ВА САВДО ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси ҳукумати, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1971 йил 9 августда тузилган шартнома асосида ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни истаб,

Ҳиндистон экономикасининг кўпгина соҳаларида томонларнинг кенг ҳамкорлиги натижасида Бхилаи ва Бокарода металлургия заводлари, Ранч, Хардвар ва Дургапурда машинасозлик заводлари, Бараун ва Койялда нефтни қайта ишлаш заводлари сингари бир қанча йирик саноат корхоналари ва объектлари, нефть конлари, электр станциялар ва бошқа объектлар барпо этилганлиги ва қурилаётганлигини, бу эса Ҳиндистон ҳукуматининг Ҳиндистон экономикасини ривожлантиришга ва мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган программаларига мос бўлиб тушаётганлигини эътиборга олиб,

иқтисодий ва социал тараққиёт учун курашда ҳар икки давлат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини бутун чоралар билан кенгайтириш ва кучайтириш учун бўлган интилишларга асосланиб,

қуйидагилар тўғрисида ушбу битимни тузишга қарор қилдилар:

1-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар суверенитетни, территориал бутунликни ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни ҳамда савдо-сотиқни бундан буён ҳам ривожлантираверадилар ва мустаҳкамлайверадилар. Бу ҳамкорлик саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, геология-разведка ишлари, кадрларни тайёрлаш ва савдо-сотиқ соҳасида, шунингдек, иккала мамлакат экономикасининг улардан ҳар бирига хос бўлган иқтисодий шарт-шароитлар тез ривожланиш учун қулай имкониятларни яратиб берадиган бошқа ҳамма соҳаларда амалга оширила беради.

2-МОДДА

Ушбу битимнинг 1- моддасида тилга олинган ҳамкорлик иккала мамлакат экономикасини, ишлаб чиқариш кооперациясини, ўзаро қулай шароитларда замонавий техника ва технология ютуқларини айирбошлаш ва улардан фойдаланишни ривожлантириш имкониятларини ўрганиш мақсадини кўзлайди, жумладан:

1. Қора ва рангли металлургия соҳасида, нефть, табиий газ, кўмир ва бошқа фойдали қазилмаларни қидириб топиш, қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида, энергетика, нефть химияси, кемасозлик ва саноатнинг бошқа тармоқларида, қишлоқ хўжалигида, ўзаро келишиб олинган корхоналар ва объектларни лойиҳалаш ва қуришда шунингдек кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш назарда тутилади. Бу ҳамкорлик илгари СССР кўмагида қурилган объектларни кенгайтириш ва янги саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа объектларни қуриш йўли билан, шунингдек, ихтисослаштирилган кадрларни тайёрлаш учун ўқув юртларини ташкил этишда кўмаклашиш йўли билан амалга оширилади. Томонлар Бхилаидаги металлургия заводи қувватини йилига 7 миллион тонна пўлат ва Бокародаги металлургия заводининг қувватини йилига 10 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарадиган даражада янада кенгайтиришда, Матхурда йилига 6 миллион тонна нефтни қайта ишлайдиган нефтни қайта ишлаш заводини қуришда, Маланжаханда мис кон-саралаш комплексини, Калкуттадаги метрополитенни қуришда ҳамда келгусида томонлар белгилаши мумкин бўлган бошқа объектларни қуришда, шунингдек рангли металлургия, енгил саноат ва саноатнинг бошқа тармоқларида ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришда ҳамкорлик қиладилар.

2. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҳукумати юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун Ҳиндистон Республикасининг ҳукуматига кредитлар беради, бу кредитларнинг миқдори ва шартлари алоҳида битимларда белгиланади.

3. Комплектлаш ва бошқа асбоб-ускуналар етказиб беришни кўпайтириш, иккала томонни қизиқтирувчи молларнинг турларини ва миқдорини кўпайтириш ҳисобига товар обороти янада доимо ривожлантирилади.

4. Ўзаро ҳисоб-китоблар формалари ва кредит муносабатларининг шартлари такомиллаштирилади.

5. Бошқа мамлакатларда корхоналар қуришда асбоб-ускуналар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик қилинади.

3-МОДДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида иккала мамлакатнинг фан-техника соҳасидаги тараққиётига, шу жумладан, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, космосни тадқиқ қилиш, электроника соҳасидаги тараққиётга кўмаклашувчи, шунингдек иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашувчи илмий-техникавий ҳамкорликка катта аҳамият бериб, аҳдлашувчи томонлар бу ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни зарур деб ҳисоблайдилар.

4-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикасининг манфаатдор ташкилотлари ўртасида иқтисодий ва савдо алоқалари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, шунингдек ушбу битим асосида, мамлакатлардан ҳар бирининг ўзаро манфаатлари ва қонунларига мувофиқ равишда тегишли узоқ муддатли битимлар ва шартномалар тузилишига ҳар томонлама кўмаклашадилар.

5-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар шуни таъкидлайдиларки, ўзаро экспортни ривожлантиришга кўмаклашишга бундан буён ҳам иккала томон баб-баравар интила беради ва келгусида улар ўзларининг халқаро мажбуриятларига зид келмайдиган тарзда ва ўз ўрталаридаги шартномалар ва битимларга биноан савдо-иқтисодий муносабатлар соҳасида бир-бирларига афзалликлар, имтиёзлар, енгилликлар ва қулайликлар бераверадилар.

6-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар иккала мамлакат ўртасидаги ҳар иккала томонни қизиқтирувчи иқтисодий ва савдо муносабатлари масалалари юзасидан мунтазам равишда маслаҳатлашиб турадилар.

7-МОДДА

Ушбу битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Ушбу битим 15 йил муддатга тузилади ва аҳдлашувчи томонлардан биронтаси унга амал қилишни истамаганлигини битимнинг амал қилиш муддати тугашидан 6 ой аввал иккинчи аҳдлашувчи томонга маълум қилмаса, шу битим ҳар сафар навбатдаги 5 йил муддатга автоматик тарзда узаяберади.

Битим янги Деҳлида 1973 йил 29 ноябрда икки асл нусхада, ҳар бири рус, ҳинди ва инглиз тилларида тузилди, ҳамма текстлар бир хил кучга эга.

Совет Социалистик
Республикалари Иттифоқи
ҳукумати номидан
Л. БРЕЖНЕВ.

Ҳиндистон Республикаси
ҳукумати номидан
Индира ГАНДИ.

ҲИНДИСТОН БОШ МИНИСТРИ ШАРАФИГА

ДЕҲЛИ, 29 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев СССР элчихонасида Ҳиндистон Республикаси Бош министри Индира Ганди шарафига тушки зиёфат берди.

Зиёфатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон сафарида ҳамроҳлик қилаётган бошқа расмий кишилар бўлишди.

Зиёфатда Ҳиндистон томонидан ташқи ишлар министри Сваран Сингх, министрлар кабинетининг бошқа аъзолари, Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг, Ҳиндистон Коммунистик партиясининг раҳбарлари, Ҳиндистоннинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари бўлишди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам Бош министр хоним!
Азиз меҳмонлар!
Дўстлар! Ўртоқлар!

Бу ерда ҳозир бўлган совет кишилари, биз ҳаммамиз Сиз, Бош министр хонимни ва сафдошларингизни совет элчихонасида табриклаётганлигимиздан хурсандмиз. Бизнинг Ҳиндистон диёрида бўлишимиз ниҳоясига етай деб қолди, мен ҳам аввало бугунги учрашувдан фойдаланиб, бизни хушнудлик ва меҳмондўстлик билан кутиб олганлигингиз учун Сиз, Бош министр хонимга, Ҳиндистон ҳукуматига, бутун ҳинд халқига чин кўнгилдан ташаккур айтмоқчиман. Ҳиндистон диёрида бўлган вақтимизда Советлар мамлакатига, совет халқига чин кўнгилдан изҳор қилинган хайриҳоҳлик ва дўстлик ҳислари ҳатто иқлимингизнинг сахий ҳароратидан ҳам ошиб кетди, десам ҳам бўлади.

Менга бир вақт қадимий ҳинд ҳикматини айтиб беришган эди. Донишманддан «Қўшнинг билан дўст бўлишга олиб борадиган энг қисқа йўл қайси? деб сўрашганларида, шунда донишманд: «одамлар бир-бирига пешвоз чиққан йўл», — деб жавоб берган экан. Халқларимиз худди мана шундай йўл билан — бир-бирига бўлган эзгу ният йўли билан бормоқдалар, дейиш мумкин. Совет кишилари дўстликка-дўстлик, яхшиликка-яхшилик, ишончга-ишонч билан тўла-тўкис жавоб бермоқдалар. Биз Ҳиндистон билан муносабатларимизни қадрлаймиз ва ўзимиз ҳам бу муносабатларнинг янада мустаҳкам ва самимий бўлиши учун ҳамма чораларни кўраверамиз.

Совет — Ҳиндистон муносабатлари алоҳида характерга эга деб айтишга ҳақлимиз, деб ўйлайман. Бу алоҳида характерлар дўстликнинг қадимий анъаналарини ҳам, ҳамкорликнинг ривожланган формаларини ҳам ўз ичига олади. У мамлакатларимизни бир-бирига боғлаб турган дўстлик алоқалари бизни инсониятнинг қолган қисмидан ажратиб қўймасдан, балки бутун жаҳондаги вазиятни соғломлаштиришнинг муштарак ишига қўшаётган ижобий ҳиссамизни кўпайтиришга ёрдам бераётганлигини ҳам ўз ичига олади. Мен буни уқтириб ўтмоқчиман.

Беш кун биргаликда тинимсиз ишладик ва шу вақт ичида жуда кўп масалалар, шу жумладан, албатта, Осиё проблемалари бизнинг диққат марказимизда турди. Шу масалаларнинг муҳокама қилиниши тенг ҳуқуқлиликка, суверенитетни ҳурматлашга ва барча давлатларнинг ишончли хавфсизлигини таъминлашга асосланган стабиллик ва тинч ҳамкорлик вазиятини мана шу буюк қитъада вужудга келтириш мақсадида бундан буён ҳам бутун куч ва ғайратни сарфлашга биргаликда интилаётганлигимизни таъкидлади.

Жанубий Осиёдаги аҳволга Ҳиндистон томонидан берилган тавсиф бизни қизиқтириб, диққат-эътиборимизни жалб қилди. Жанубий Осиёда мустаҳкам тинчлик ўрнатилишидан Ҳиндистон ғоят манфаатдор эканлигига Совет Иттифоқи қўшилади. Маълумки, биз воқеаларнинг худди мана шу йўлдан ривожланишига кўмаклашишга ҳамиша интилиб келдик. Шунинг учун ҳам биз Бош министр Индира Ганди билан Бош министр Бхутто томонидан Симлада имзоланган Ҳиндистон—Покистон битимини табрикладик. Биз шу райондаги давлатлар—Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ўртасида чинакам яхши қўшничилик ўрнатилишини қизғин равишда истаймиз.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш проблемаларига айнан бир хил ёндашаётганлигидан ғоят мамнунмиз, буни музокараларимизнинг бутун бориши яна бир марта таъкидлади.

Демократик тинчлик, одилона тинчликкина чинакам мустаҳкам тинчлик бўлиши мумкин. Бундай тинчлик зўравонлик ва рақобатчиликнинг қандайдир қутбларига асосланмасдан (бу тўғрида гапириш кейинги вақтларда баъзи жойларда мода бўлиб қолди), балки хоҳ «катта» мамлакат бўлсин, хоҳ «кичик» мамлакат бўлсин, хоҳ сиёсий гуруҳларга аъзо бўлган ёки аъзо бўлмаган мамлакатлар бўлсин, ҳеч бир истисносиз, барча мамлакатларнинг ҳуқуқларини, суверенитетини, қонуний манфаатларини ҳурматлашга асосланиши лозим. Бунда гап кучлар баланси деб номланган ўткир найрангни ишлатишни ўрганиб олиш тўғрисида эмас, балки куч қўлланишни халқаро муносабатлардан чиқариб юбориш тўғрисида бораётир. Бунинг учун барча давлатларнинг конструктив куч ва ғайратларини бирлаштириш зарур.

Ҳиндистон Бош министри ва бошқа давлат арбоблари билан олиб борган музокараларимиз кенг ҳамжиҳатлик руҳида ўтганлигини табиий бир ҳол деб ҳисоблаймиз. Зеро ҳамжиҳатлик бутун Совет — Ҳиндистон муносабатларига сингиб кетган ишонч туфайли вужудга келди. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг аҳамияти ҳамда ҳар иккала томон шу шартнома заминидаги имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланишга маҳкам бел боғлаганликлари яна бир марта таъкидланди. Ўзаро муносабатларимизнинг шартномада уқтириб ўтилган принциплари янгидан-янги амалий ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Биз шу кунларда кўп иш қилинди, деб ҳисоблаймиз. Турли соҳалардаги ҳамкорлигимизнинг яқин йилларга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб берган бир қанча муҳим ва фойдали битимлар имзоланди.

Мамлакатларимизнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги соҳасида катта имкониятлар очилмоқда. Биз бу соҳадаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиш ва бир қанча энг актуал проблемаларни ҳал этишнинг конкрет йўлларини белгилаб олиш билангина чекланиб қолмадик. Биз келажакда — 1975-1980 йилларда қилинадиган ва ундан ҳам узоқроққа мўлжалланган ҳамкорликнинг йўналишларини белгилаб олдик. Энг муҳими шуки, бу музокараларда Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги погонага кўтаришга якдиллик билан интилаётганлигимиз аён бўлди. Мен мамлакатларимиз ўртасидаги хўжалик кооперациясини такомиллаштиришни ва чуқурлаштиришни, узоқ муддатли ва катта миқёсдаги бир қанча лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутаётирман. Мана шуларнинг ҳаммаси иккала мамлакатимиз халқларига яхши хизмат қилиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Мамлакатларимизнинг вакиллари Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон планлаштирувчи органларининг ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги битимни ҳам имзоладилар. Ижтимоий тузуми бир хилда бўлмаган, экономикаси бошқа-бошқа негизга қурилган икки давлатнинг планлаштирувчи органлари қандай қилиб ҳамкорлик қилиши мумкин, деган савол туғилиши мумкин. Имзоланган битимнинг хусусияти ҳам шундаки, бу битим совет экономикасининг социалистик характерини ҳам, Ҳиндистон экономикасини планли ривожлантиришни, унда катта давлат сектори мавжудлигини ҳам ҳисобга олади.

Сизларга шуни айтишим мумкинки, яқин фурсатда биз Совет Иттифоқида бу йилги хўжалик ишларини якунлаймиз ва келгуси йил планининг лойиҳасини муҳокама қиламиз. Келгусида биз мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1990 йилгача мўлжалланган перспектив плани билан ҳам шуғулланамиз. Мана шу ишларнинг ҳаммасида биз совет социалистик жамиятини янада ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқаётган вазифаларни, табиийдирки, биринчи ўринга қўямиз. Шу билан бирга биз бу вазифаларни тинчликни мустаҳкамлаш билан ҳамда турли мамлакатлар билан, аввало қардош социалистик давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан узвий равишда боғлаб ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Ҳиндистон билан ҳамкорлик ҳам мана шу планларимизда муносиб ўрин олади. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Ҳиндистон ҳукумати ўз миллий суверенитетини, территориал бутунлигини ва мустақил сиёсат йўлини таъминлаш манфаатларини кўзлаб ўз мамлакатининг хавфсизлигини мустаҳкамлашга интилаётганлигини музокаралар чоғида изҳор қилди ва биз бу интилишни тушуниб турибмиз.

Бу сафарги визит дўст ҳинд халқининг турмуши тўғрисидаги, у миллий тикланиш, иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал ислоҳотларни кенгайтириш йўлидан олға боришга маҳкам бел боғлаганлиги тўғрисидаги янги таассуротлар билан бизни бойитди.

Умуман олганда бу ерда мен соф виждон билан шуни айта оламанки, азиз дўстлар, визитимизнинг натижаларидан, Ҳиндистон раҳбарлари билан олиб борган музокараларимизнинг натижаларидан тўла равишда мамнунмиз. Бу визитнинг якунлари Совет — Ҳиндистон дўстлигини ривожлантиришда қўйилган янги катта қадам бўлди, десам муболаға қилмаган бўламан деб ўйлайман. Мана шуларнинг ҳаммаси давлат раҳбарларининг бир-бирлари билан бевосита мулоқот қилишлари, шу мулоқотларда давлатлараро ҳамкорликни конструктив равишда ривожлантириш мақсадини кўзлашлари нақадар аҳамиятли эканлигини яна бир марта исботлади.

Шу муносабат билан мен бу ерда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман: мамлакатимизга расмий визит билан келиш тўғрисидаги таклифни қабул қилган Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Индира Ганди хонимни Совет Иттифоқида чин кўнгилдан хурсанд бўлиб табрикламоқчимиз.

Пировардида Сизларнинг ҳаммангиздан дўст Ҳиндистон учун, улуғ ҳинд халқи учун, унинг атоқли раҳбари Бош министр Индира хонимнинг сиҳат-саломатлиги ва муваффақиятлари учун биз билан бирга қадаҳ кўтаришингизни илтимос қиламан.

Ўз нутқининг охирида Л. И. Брежнев таниқли совет рассоми Илья Глазунов томонидан чизилган Индира Гандининг портретини унга эсдалик совға қилиб тақдим этди.

* * *

Бош министр Индира Ганди жавоб нутқи сўзлади

Индира ГАНДИ нутқи

КПСС Марказий Комитетининг ҳурматли Бош секретари!

Совет Иттифоқидан келган ҳурматли ўртоқлар ва ҳиндистонлик дўстлар!

Бизнинг таклифимизни қабул қилиб, гарчи қисқа муддатга бўлсада пойтахтимизга ташриф буюрганлигингиздан жуда хурсандмиз ва бахтиёрмиз.

Дўстлигимизни чуқурлаштирадиган ва бир-биримизнинг нуқтаи назарларимиз билан яхшироқ танишишга имкон берадиган бундай учрашувларга катта аҳамият берамиз. Сизнинг мамлакатимизга келганлигингиз туфайли халқимиз Сиз билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимиз Ҳиндистон тўғрисида шу қисқа вақт ичида кўпроқ нарсаларни билиб олдингиз, деган умиддамиз. Биз мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатларига ва халқаро вазиятга тааллуқли масалаларни муҳокама қилдик. Биз халқаро масалаларда нуқтаи назаримиз бир-биримизникига жуда яқин эканлигини қайд қилдик.

Халқаро кескинликни юмшатиш йўлида бир қанча ташаббуслар қилинганлигини бундан олдинги ойларда кўрган эдик. Лекин шундай бўлса ҳам планетамизнинг бир қанча жойларида кескинлик ўчоқлари сақланиб турибди. Мана шунинг ўзи бир-биримизнинг нуқтаи назарларимиз билан ҳар доим танишиб туришимиз, тинчлик ва ҳамкорлик йўлида айниқса сизнинг улуғ мамлакатингиз қўяётган қадамларни билиб туришимиз ва шу тариқа ҳинд халқи ҳам бу ҳаракатга ўз улушини қўшиши зарурлигини таъкидлаб турибди.

Сиз мамлакатимизга келганлигингиз ва олиб борган музокараларимиз мамлакатларимиз халқлари учун самарали ва жуда фойдали бўлди. Бу визит муносабатларимизнинг аҳамиятини, музокараларимизнинг муҳимлигини, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномамизнинг муҳимлигини уқтириб ўтишимизга имконият берди. Бу музокаралар айрим масалаларга равшанлик киритишимизга ва ҳақиқий аҳволни тасаввур қилиб олишимизга ёрдам берди.

Сизнинг халқингиз ёрдами билан бизнинг халқимиз кўп нарсаларга эришди, деб ҳисоблаймиз. Турли проблемаларни бартараф қилмоқ ва муваффақият билан янги жамият қурмоқ учун халқимиз ҳар қандай қурбонлар беришга тайёр эканлигига аминмиз.

Биз босиб ўтадиган йўл осон йўл эмас. Бултурги йил мамлакатимиз учун жуда қийин йил бўлди. Лекин ҳозир халқимиз қийинчиликларни бартараф этиш йўлида астойдил ва ғайрат билан курашмоқда. Бу курашда у совет халқи сингари дўстларимиздан ёрдам олиб турибди. Совет халқи яхши келажакка эришиш йўлида сарфлаётган куч ва ғайратимизга кўмаклашмоқда.

Пойтахтимизга Сиз, Бош секретарь жанобларининг қилган визитингиз, Сиз билан олиб бораётган суҳбатларимиз шу кунларда бутун дунёнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб турибди. Шундай бўлиши ҳам табиий, чунки улуғ мамлакатингизнинг ва Сиз, Бош секретарь жаноблари каби атоқли раҳбарнинг қилаётган ҳамма ҳаракатлари ва ўйлаётган фикрлари бутун дунёнинг тақдирига таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик халқаро вазиятнинг ривожланишига ҳамиша тинчлик ва адолат иши учун фойдали ижобий таъсир ўтказиб келди ва ўтказа беради.

Бош секретарь ўртоқ Брежневнинг сиҳат-саломатлиги учун қадаҳ кўтаришимга, унинг тинчлик иши фойдасини кўзлаб қилаётган ташаббусларида янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Улуғ совет халқи учун, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик учун, Совет Иттифоқидан келган меҳмонларнинг ва Совет Иттифоқи раҳбарларининг сиҳат-саломатлиги учун қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз.

* * *

Л. И. Брежнев ва Индира Гандининг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Н. КОЛЕСОВ, В. МАТЯШ.

СССР ГОСПЛАНИ БИЛАН ҲИНДИСТОН ПЛАН КОМИССИЯСИ УРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ТУҒРИСИДА БИТИМ

ДЕҲЛИ, 30 ноябрь. (ТАСС). 29 ноябрда Деҳлида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи давлат план комитети билан Ҳиндистон Республикаси план комиссияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Битим иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан Совет — Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссияси доирасида планлаштириш соҳасида ҳамкорлик қилишга оид Совет — Ҳиндистон тадқиқот группасини тузишни кўзда тутади.

Тадқиқот группасининг асосий вазифалари — иқтисодий прогнозлашда, ҳар йилги, ўртача муддатли ва перспектив планлаштириш методологиясида, лойиҳалар ва программалар тузишда тажриба ва билимларни айирбошлашдан иборат. Планлаштирилган программалар ва лойиҳаларни контроль қилиш ва баҳолаш методикаси соҳасида, материаллар етказиб беришни планлаштиришда ҳам тажриба айирбошлаш кўзда тутилади. Тадқиқот группаси эълон қилинадиган ҳисоботлар ва материаллар билан айирбошлашди. У иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан ҳукуматлараро комиссия ўзига топширадиган масалаларга оид докладларни ҳам ўрганади, ва тақдим этади.

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ МИНИСТРИ ИНДИРА ГАНДИ ХОНИМ ҲАЗРАТИ ОЛИЯЛАРИГА

Ҳурматли Бош министр хоним, Деҳлидан жўнаётиб мен Сизга ўз шерикларим номидан ва ўз номимдан Ҳиндистон ҳукумати ва халқи бизга кўрсатган хушнудлик ва ғоят самимий меҳмондўстлик учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор этишни зарур деб ҳисоблайман.

Суҳбатларимизнинг самарали руҳда ўтганлигидан ғоят мамнун эканлигимни яна бир марта изҳор қилишни истайман. Мен аминманки, бу суҳбатлар Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун янги муҳим омил бўлади, бу эса Осиёдаги ва бутун дунёдаги вазиятга ҳам самарали таъсир бахш этади.

Бош министр хоним, Сизга, Сизнинг шерикларингизга ва бутун ҳинд халқига ажойиб Ватанингизнинг прогрессив ривожланиши йўлида чин кўнгилдан янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

ИЛ-62 самолёти борти
1973 йил 30 ноябрь.

Л. БРЕЖНЕВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОН МАТБУОТ АГЕНТЛИКЛАРИГА МАКТУБИ

ДЕҲЛИ, 30 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Ҳиндистон ЮНИ ва ПТИ матбуот агентликлари орқали газеталарда эълон қилиш учун қуйидаги мактубни юборди:

Меҳмондўст Ҳиндистон диёрида бўлган чоғимда мен ўзининг самимий сўзлари билан тўлқинлантирувчи, Совет Иттифоқига, совет халқига чексиз дўстлик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган неча юзлаб телеграмма ва хатлар олдим. Бу хатларни ташкилотлар ва ҳинд граждандари ёзган. Шу хатларнинг кўпида мени турли шаҳарларга келишга, завод ва фабрикаларда, университетларда ва ҳинд гражданларининг хонадонларида меҳмон бўлишга таклиф қилганлар. Афсуски, мен бу таклифларни бажо келтира олмадим. Визит программасининг кенглиги, Бош министр, ғоят ҳурматли Индира Ганди хоним билан ва мамлакатингизнинг бошқа раҳбар арбоблари билан ҳар куни олиб борилган муҳим музокаралар шу илтимосларни бажо келтириш учун ақалли бирор соат ҳам бўш вақтни қолдирмади.

Мен ва мен билан бирга Ҳиндистонга келган ўртоқларим илиқ табрик сўзлари учун, самимий таклифномалар учун, эзгу истаклар учун ҳинд гражданларига, жамоат ташкилотларига, ҳинд матбуоти органларига чин юракдан ташаккур изҳор қилмоқчимиз. Биз буни Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги самимий дўстликнинг яна бир ифодаси деб биламиз.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Буюк Британиянинг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси сэр Теренс Гарви 29 ноябрда Кремлда СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорнийга ўзининг ишонч ёрлиғини топширди.

Мухтор министр, маслаҳатчи Ж. А. Доббс, элчихонанинг бошқа дипломатик ходимлари элчига ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида СССР Олий Советининг Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР ташқи ишлар министри ўринбосари С. П. Козирев, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Ишонч ёрлиғини топшириш чоғида Н. В. Подгорний ва Теренс Гарви нутқ сўзладилар.

Ишонч ёрлиғи топширилиб, нутқлар сўзлангандан кейин Н. В. Подгорний билан Теренс Гарви ўртасида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ ҲИНДИСТОН МИНИСТРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

ДЕҲЛИ, 30 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бугун Ҳиндистон ахборот ва радио эшиттириш давлат министри И. К. Гужрални қабул қилиб, у билан дўстона суҳбатлашди.

САМОЛЁТ БОРТИДАН

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев самолёт бортидан Покистон Халқ Республикаси Бош министри Зулфиқор Али Бхуттога телеграмма йўллади. Телеграммада бундай дейилади:

«Покистон территорияси устидан Ватанимизга учиб бораётиб, Сиз, Бош министр жанобларига, шунингдек Покистон ҳукумати ва халқига самимий эзгу истакларимни йўллайман.

Шу имкониятдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари Совет Иттифоқи билан Покистон халқлари бахт-саодати йўлида бундан кейинги йилларда муваффақиятли ривожланаверади деб яна ишонч билдираман».

* * *

Л. И. Брежнев самолёт бортидан Афғонистон Республикаси давлат бошлиғи ва Бош министри Муҳаммад Довудга ҳам телеграмма юборди.

Афғонистон территорияси устидан Ватанимизга учиб бораётиб Сизга, Афғонистон Республикаси Марказий Комитетига ва ҳукуматига қизғин саломларимни, шунингдек дўст афғон халқига осойишталик, муваффақият ва равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни йўллайман, дейилади телеграммада.

Жаноби олийлари, менинг самимий дўстона ҳис-туйғуларимни ва чуқур ҳурматимни қабул қилгайсиз. (ТАСС).

ЎРТОҚ М. А. СУСЛОВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов 29 ноябрда Литва пойтахтидан Москвага қайтиб келди. (ТАСС).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИРОҚДА

БАҒДОД, 30 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Совети Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси, Ироқда меҳмон бўлиб турган совет делегациясининг бошлиғи Б. Н. Пономарев Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Азиз Муҳаммад билан ва Ироқ Компартиясининг бошқа раҳбар арбоблари билан учрашди.

Қардошларча дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат вақтида ҳар икки томонни қизиқтирувчи актуал масалалар муҳокама қилинди.

Б. Н. Пономарёв Совет — Ироқ дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кучайтириш хусусида совет делегациясининг Ироқ Республикаси партия ва давлат раҳбарлари билан ўтказган самарали учрашув ва суҳбатлари тўғрисида ироқлик ўртоқларга гапириб берди.

Ироқ коммунистлари тараққийпарвар миллий-ватанпарварлик фронти доирасида Ироқ Араб Социалистик Уйғониш ҳукмрон партияси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш соҳасида Ироқ Компартиясининг фаолияти тўғрисида мамлакатнинг тараққийпарвар кучларини бирлаштириш соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳақида совет делегацияси аъзоларига ахборот берди. Улар КПСС ва Совет ҳукуматининг араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши, Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатига юксак баҳо бердилар.

Томонлар КПСС билан ИКП, СССР ва Ироқ Республикаси халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашни ёқлаб фикр билдирдилар.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

Ўзбекистондаги барча халқ университетларининг дастлабки икки машғулоти КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг тинчликсевар кучларнинг Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгрессида сўзлаган нутқини ўрганишга бағишланмоқда. Халқ университетлари республика кенгаши шу машғулотлар бўйича тавсияларни тасдиқлади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлаш муносабати билан халқ университетлари конкурси ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Конкурс шартлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда университетларнинг ролини янада кучайтиришни, Лениннинг ғоявий меросини, КПСС XXIV съездининг материалларини, Ўзбекистоннинг ўтган ярим аср ичида қардош халқларнинг дўст оиласида эришган муваффақиятларни кенг пропаганда қилишни кўзда тутади.

Табиёт-илмий билимлар халқ университетларининг шаҳобчасини ривожлантириш тадбирлари тасдиқланди.

Халқ университетлари республика кенгашининг 29 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида кенгаш раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг табиатни ва ер ости бойликларини қўриқлаш доимий комиссияси 30 ноябрда ўзининг навбатдаги мажлисини ўтказди. Комиссия табиатни қўриқлаш тўғрисидаги қонунга Сурхондарё области колхозлари ва совхозларида қандай риоя қилинаётганлиги ҳақида область ижроия комитетининг ҳисоботини тинглади.

Шу куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати доимий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар бинолар билан иншоотларнинг вазнини камайтиришни таъминлайдиган материаллар, конструкциялар ва буюмларни қурилишда ишлатиш тўғрисида Госстрой ва республика қурилиш министрликлари раҳбарларининг ҳисоботини тингладилар.

(ЎзТАГ).

Деҳқон бўлсанг ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 30 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар, иккинчи стун—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида): учинчи стун — планнинг бажарилиш проценти

Хоразм	8,6	107,3
Тошкент	216,5	103,0
Сирдарё	275,7	94,9
Самарқанд	211,9	89,3
Андижон	145,2	83,0
Фарғона	65,2	65,8
Сурхондарё	79,8	56,8
Наманган	74,5	55,3
Бухоро	90,4	49,5
Қашқадарё	64,9	45,8
ҚҚ АССР	16,4	24,1
Республика бўйича:	1249,1	74,0

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми филология фанини ривожлантириш ва республикада илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтининг сектор мудири Собиржон Иброҳимович **Иброҳимовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» Фахрий унвонини берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми план органларида кўп йиллар самарали ишлаганлиги ва республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун Ўзбекистон ССР Госплани озиқ-овқат саноати бўлимининг старший инженер-экономисти Зеби Мирҳалиловна **Фармоновага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвонини берди.

«КОСМОС-613» ПАРВОЗДА

1973 йил 30 ноябрда Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-613» учирилди. Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

БУКА районидаги Ҳамза номли колхоз пахтакорлари 33,5 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, социалистик мажбуриятларини районда илғор хўжаликлар қаторида бажаришган эди. Шу кунларда хўжалик далаларида ҳосилдан бўшаган ерлар сифатли шудгор қилиняпти. Бу ишда 20 та трактор смена билан ишлаб турибди. Суратда: (чапдан ўнгга) колхоз раиси Й. Ҳожиматов ва илғор тракторчилар Р. Қурбонов ҳамда А. Ўроловлар шудгор сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Б.—283. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02887.